Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 290 (4688).
23 ДЕКАБРЬ 1981 й.
ЧОРШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

• Йиллик план — муддатидан илгари

КИРОВЛИКЛАР РАПОРТИ

БУГУН

Киров район ишлаб чиқариш коллективлари йиллик мажбуриятнинг бош пункти — асосий саноат буюмларини ишлаб чиқариш ва маҳсулот реализация қилиш ҳажми бўйича йиллик планни муддатидан илгари бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар. Ўтган ойда саноат ишлаб чиқариш ҳажми 3,7 миллион сўмликдан ошди. Саноат ишлаб чиқариши ҳажмининг ўсиши меҳнат унумдорлигини юксалтириш ҳисобига амалга оширилди.

Меҳнат сифати ва самарадорлигини ошириб бориш учун кенг қулоч ёйган социалистик мусобақа КПСС XXVI съезди қарорларини жанговар ҳаракат программаси сифатида қабул қилган кировликларнинг юксак меҳнат активлиги ифодасидир.

Ҳозирги кунда районда 30 дан зиёд буюм фахрли беш қирали белги билан ишлаб чиқарилмоқда. Маданий-маиший ва рўзғор буюмлари ишлаб чиқариш ҳажми деярли ўн ҳиссага кўпайди.

«Ўзбексельмаш», асбобсозлик заводлари, «Технолог», илмий-ишлаб чиқариш, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмалари, тўқимачилик-галанте р е я фабрикаси мутахассислари ишлаб чиқаришни бошқариш механизмини такомиллаштирмоқдалар, меҳнатни ташкил қилишнинг бригада формасини, фан ва техника янгиликларини актив тадбиқ қилмоқдалар.

Бу 20 дан ортиқ цех, 40 участка, 300 бригада коллективига Улуғ Октябрь байрамигача йиллик планни бажариш имконини берди. Бу бўлинмалар айни пайтда суръатни туширмай, 1982 йилнинг февраль-март ойлари ҳисобига меҳнат қилишмоқда.

«Ўроқ ва Болға» бузилмас иттифоқига содиқ қолган кировликлар Жиззах областидаги оталиқдаги Зарбдор райони деҳқонларига, Тошкент областининг қатор хўжаликларига 450 минг сўмлик амалий, моддий-техник ёрдам кўрсатдилар, «оқ олтин» йиғим-теримида бевосита иштирок этдилар.

Беш йилликнинг биринчи йили план топшириқларини қурувчилар, транспортчилар, алоқачилар, шаҳар хўжалиги ишчилари, хизмат кўрсатиш тармоқлари ҳам муваффақият билан бажармоқдалар.

Киров район индустрияси меҳнаткашлари СССР 60 йиллиги шарафига зарбдор вахтада туриб, декабрь ойи охирида беш йиллликнинг иккинчи йили ҳисобига 4,2 миллион сўмлик саноат маҳсулотлари топширадилар.

Д. ШОИСМОИЛОВ,

Киров район партия комитети саноат, қурилиш, транспорт, алоқа бўлимининг мудири.

СССР 60 йиллигига зарбдор ҳафталик

ҲАР БИР КУНИМИЗ ЗАРБДОР БЎЛСИН!

ПЕШҚАДАМ КОЛЛЕКТИВ

«Таштекстильмаш» заводидаги социалистик мусобақа кенгаши механика цехининг пармаловчиси Геннадий Мингазовга «Энг яхши ёш ишчи» унвонини берди. Йигирма икки ёшли ишчи ўтган йили армия хизматидан кейин корхонага келган эди. У қисқа вакт ичида катта мувваффақиятларга эришди. Геннадий заводда ўтказилган профессионал маҳорат конкурсининг голиби бўлди, цехда биринчилар қатори йиллик топшириқни муддатидан илгари адо этди. Ҳозирги кунда Г. Мингазов ўз станогида 1982 йил февраль ойи ҳисобига деталлар ишлаб чиқармоқда. Беш йиллик бошидаёқ бошланган яхши меҳнат мароми ёш пармаловчига СССР ташкил этилган кунининг 60 йиллиги шарафига қабул қилган ўз мажбуриятини қайта кўриб чиқиш имконини берди: у икки йиллик норма ўрнига икки йилу тўрт ойлик топшириқни бажаришга аҳд қилди.

Корхонанинг пешқадамларга тенглашаётган қарийб икки юз нафар комсомоли социалистик мажбуриятларни қайта кўриб чиқиб, янада юксакроқ марраларни белгилаб олди. Комсомол комитетининг қарорига мувофиқ, заводнинг энг яхши ёш ишчилари «Беш йиллик гвардиячилари» меҳнат шонушуҳратн китобига ёзилади.

(ЎзТАГ).

Тошкент химия-фармацевтика заводининг 1-филиали коллективи бу йил планга қўшимча 300 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш мажбуриятини олганди. Бугун-эрта бу мажбурият бажарилади. Корхонада кейинги пайтда ишлаб чиқариш жараёнларини тўхтатмаган ҳолда реконструкция ишлари амалга оширилди. Жумладан, ген ва бинт кесиш цехларида янги автоматлар ва линиялар ўрнатилди. Бинтлар стерилизация қилинадиган махсус участка бунёд этилди. Булар ҳаммаси меҳнат самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш имконини берди.

СУРАТЛАРДА: (чапда) бинт кесиш цехининг реконструкциядан сўнгги кўринниши; бинт кесиш цехининг илғор ишчилари (чапдан-ўнгга) Мавжуда Ғуломова, Танзила Давлатова ва Шоира Раҳимжонова.

М. Нурниддинов фотолари.

ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг маданият саройида тез-тез қизиқарли учрашувлар, адабий кечалар, конференция ва чет эллик студентлар билан қизғин суҳбат ўтказиш анъанага айланиб қолган. Ҳар доимгидек бу сафар ҳам шинам ва кенг зал студент-ёшлар ва меҳмонлар билан гавжум. Бу ерда илмий-назарий конференция бўлиб ўтди.

Олимлар Л. И. Брежневнинг «Эсдаликлар» китоби юзасидан фикр ва мулоҳазаларини ўртоқлашиш учун, бу ерга йиғилдилар. Бу асар университет студентлари учун ҳам катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлмоқда.

«Эсдаликлар» китоби юзасидан университет илмий коммунизм кафедрасининг мудири профессор К. Содиқов, автомобиль йўллари институтининг КПСС тарихи кафедраси доценти С. Мухамедшин, Иркутск давлат университети тарих факультети кандидати Н. Кузнецов ва Тошкент савдо техникумининг директори Ю. Расулов ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Илмий-назарий конференция йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

ДАМ ОЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ—МАСЪУЛИЯТЛИ ИШ

ЧИМЁНДА ЯХШИ КАЙФИЯТ

● ҚУВНОҚ СПАРТАКИАДА ● ТОҒДАН ЧАНҒИ ВА ЧАНАЛАРДА ● БОЛАЛАРГА ҲАМ, КАТТАЛАРГА ҲАМ КЕНГ МАЙДОН ● ҚУЛБОЛА ПАЛОВ ● ДАМ ОЛУВЧИЛАРНИНГ ФИКРЛАРИ ● АЙРИМ КАМЧИЛИКЛАР ХУСУСИДА.

Эрталаб соат 9. Чилонзор район партия комитетининг биноси олдида автобуслар турна қатор бўлиб тизилган. Буйруқ берилади: «Юргизинглар!». Моторлар ишлаб кетди ва автобуслар колоннаси оҳиста қўзғолиб, узоқ манзилга йўл олди. Колоннага «яшил кўча» очиб берилган, биз шаҳар магистраллари бўйлаб тўхтамасдан бораётирмиз. Ниҳоят сўнгги бурилишдан кейин автобуслар Тошкентни тарк этиб, тоғ томон борадиган йўлга чиқиб олди. Ўзига хос автобуслар поездида қувноқ қайфият, қўшиқ, ҳазил-мутойиба, латифалар янграмоқда.

Ҳар бир автобусда Тошкент саёҳат ва экскурсиялар бюросининг экскурсоводи бор. Бизларга сафаримизда Софья Барская ҳамроҳлик қиляпти. У 2000 йиллик юбилейига тайёргарлик кўраётган Ўзбекистон пойтахти ҳақида, йўлда учраётган йирик объектлар, колхозлар, шаҳарлар ҳақида ҳикоя қилиб бормоқда. Бир сўз билан айтганда, қанча вақт йўл босганимизни билмай қолибмиз.

Ортимизда қишлоқлар қолиб кетди. Моторлар шовқинидан қулоғимиз бироз батанг бўлди. Бутун борлиқ оқ кўрпа билан ўраланган. Ҳамма ёқда қор. У оёқ остида гирчиллайди. Дам олишга келганлар автобуслардан ошиқиб тушдилар. Бир пасда қорбўрон ўйини бошланди.

Чилонзор районининг меҳнаткашлари Чимён тоғининг бағрида бир йўла икки кун—шанба ва якшанба кунлари дам олишди. Шу нарсани айтиб ўтиш керакки, дам олиш аъло даражада ташкил этилган. Дам олиш вақтини қизиқарли айни пайтда завқли ва фойдали ўтказиш учун ҳамма шароит яратиб берилган. Тоза ҳаво, қорнинг гўзал манзараси, баланд тоғ чўққилари ва уларда чанғи ва чаналарда сайр этиш машаққатли меҳнатдан кейин кўпчиликка кучғайрат бағишламоқда.

Бинокор Салим Зайнуллин эндигина чанғисини оёғидан очиб олди. Бироз чарчабди. Бу тушунарли. Чунки Салим спортнинг ана шу тури билан мунтазам шуғулланмаган. Чанғида бироз бўлса ҳам юрган экан, бутун чеҳраси қизариб, тўйиб-тўйиб нафас олмоқда. Чанғи ётган жойдан бироз нарида унинг уч фарзанди—Идель, Резида ва Надя қувлашмачоқ ўйнашяпти. Кўриниб турибдики, болалар бу ерда жуда яйрашмоқда.

— Мана шу қорли чўққиларни биз Тошкентда ҳаво очиқ бўлган кунларда яққол кўрар эдик, — дейди С. Зайнуллин. — Қарангки, тоғлар ўзига чорлар экан. Қандай ғўзаллик. Ана шундай ажойиб дам олишни ташкил этган мутасаддиларга миннатдорчилигимизни билдирсак, янглишмаган бўламан.

Дам олиш бу ерда чиндан ҳам намунали ташкил этилган. Ҳамма тадбир олдиндан ўйлаб пишитилган, кўзда тутилган, тайёргарлик кўрилган. Дам олувчиларга Глиэр номли, 4-маданият уйлари, «Ўзбекистон комсомоли 40 йиллиги» маданият ва истироҳат боғи бадиий ҳаваскорлик коллективлари иштирокида катта концерт программаси тайёрланган. Театрлаштирилган томоша мавзуси ва жанрлари бўйича ранг-баранг тузилган. Унга цирк номерлари, қўшиқлар, музика, ўткир ҳазиллар киритилган. Бу программа район маданият бўлимининг мудири В. О. Одиловнинг бевосита раҳбарлигида ижро этилмоқда.

Спорт тадбирлари ҳам қизиқарли ва завқли тузилган, Масалан якшанба куни Чимёнда «Главташкентстрой»нинг транспорт бошқармаси бўлинмаларо спратакиадаси ўтди. Унда тўқизта автомобиль транспорти корхонасининг вакиллари қатнашди. Улар чанғида 500 метр масофага югуриш, юз метр масофага спринт пойгасини, ҳар бири 500 метрдан иборат бўлган тўртта эстафета ҳамда чаналарда оилавий мусобақалар ўтказишди. Жуда ҳам қувноқ ва қизиқарли! Ота-оналар, уларнинг фарзандлари оила шарафини оқлаш учун бор кучлари билан беллашишди. Бу ерда мағлубиятга учраганлар бўлмади. Хатто бой берганлар ҳам хафа бўлишмади. Чунки беллашувлар уларга ёқиб колди. Шу ернинг ўзида совринлорларни мукофотлаш режалаштирилган эди, фақат вақт етишмай қолди. Лекин, гап мукофотдами? Мусобақалар пайтида олинган энг яхши соврин — бардамлик ва саломатликдир.

— Шунга қарамай спартакиада бир неча кучли чанғичиларни аниқлаб берди, —деб изоҳлайди жисмоний тарбия ва спорт бўйича район комитетининг раиси Валерий Поляков. —Эндиликда биз дурустгина чанғичиларимиз борлигини билиб олдик. Уларни район терма командаси составига киритамиз.

Тушки овқатланиш вақти яқинлашиб келмоқда. Шу пайт палов, кабоб ва бошқа таомларнинг ҳушбўй ҳиди димоққа урилди. Исоқ Олимов раҳбарлиқ қилаётган район умумий овқатланиш корхоналари дам олувчиларга ранг-баранг таомларни таклиф қилди. Пазандалар Солижон Низомов, Асрор Тўрабеков, чойхоначи Ҳаким Ҳалилов ва бошқалар баҳслашгандек ишламоқда.

— Ҳамма таомлар лаззатли тайёрланибди— дейди Медицина электротехникаси техникумининг кутубхона мудири Рената Паршина.

—Бу ерда бажарилаётган юмушларнинг барчаси аъло даражада, —деб кўшиб қўйди педагогика фанлари институтининг коммунистик тарбия бўлими мудири Талъат Усмонхўжаев, — мен бу ерга оилам — рафиқам ва уч фарзандим, ҳатто тўрт ёшли Музаффарни ҳам етаклаб олиб келдим. Хаммамиз дам олишдан мамнунмиз. Мен институтнинг жисмоний тарбия ва спорт бўйича кенгаши раисининг ўринбосари сифатида масъулият ҳисси билан шуни айтаманки, бундай сафарга чиқишлар одамларга фақат фойда келтиради.

Бахтга қарши дам олишга чиқиш ташкилотчиларининг режаларига об-ҳавонинг нокулай келиши ҳалал берди. Қандайдир ўн беш-йигирма минут оралигида самони булут қоплаб, бутун борлиққа шундай қуюқ туман тушдики, ўн метр нариги нарсани кўриб бўлмас эди. Чилонзор район ижроия комитети раисининг ўринбосари Ўткир Акромович Қосимов қайтишга йиғилиш учун ижозат берди. Кишилар вазиятни тўғри тушуниб, тезда бир жойга йиғилишди.

Лекин Чимёндан Тошкентга қайтишимиз нима сабабдандир бирмунча чўзилиб кетди. Номаълум сабабларга биноан колонна у ерда, бу ерда тўхташга мажбур бўлди. Маълум бўлишича, автобуслардан бири (61—45 ТНС номерли, 18-автопаркка қарашли) ишдан чиққан экан. Шундай савол туғилади. Йўлга яроқсиз машинани бундай масъулиятли сафарга юбориб бўладими? Юз берган бу ҳодисани ана шу автомобиль хўжалигида ва бошқа корхоналарда синчиклаб муҳокама қилишга тўғри келади.

— Транспорт билан носоз таъминланиш Тошкентдан сафарга чиқаётганимизда и н г ўзига бошланган эди. Ҳамма гап шундаки Тошкент саёҳат ва экскурсиялар бюроси буюртирилган автобусларнинг комплектини тўла ҳолда таъминламади. Бу ҳам сафар ташкилотчиларини н г ишларида етишмовчиликни келтириб чиқарди.

Булар майда гаплар бўлса ҳам, лекин кишилар кайфиятини бузади. Биз бу ерда шу гапларни айтиб ўтишимизнинг, боиси бўлажак сафарларнинг ташкилотчилари бундай камчиликларнинг олдини олиб қўйсинлар.

И. АЛИМОВ,

«Тошкент оқшоми»нинг махсус мухбири.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● ЮСФР Президиумининг Раиси Сергей Крайгернинг КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневга йўллаган жавоб телеграммаси эълон қилинган. Унда С. Крайгер Югославия Социалистик Федератив Республикаси Президиуми ва шахсан ўз номидан Республика куни муносабати билан йўлланган қизғин табриклар ва яхши истаклар учун ўртоқ Л. И. Брежневга, СССР Олий Совети Президиумига, КПСС Марказий Комитетига ва дўст совет халқига чуқур миннатдорчилик изҳор этади.

● «Партия бюросига сайландилар» — «Правда» газетасининг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади. Мақолада партия бюроси аъзосининг обрўйи, вазифалари ҳақида фикр юритилади.

● 1981 йил 19 декабрда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос 1330 учирилди. Йўлдош ичида космик фазони тадқиқ этишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган.

• *Ким бўлсам экан?*

Касб танлашга бағишлаб

Тошкентдаги темирйўлчилар маданият саройида «Ким бўлсам экан?» клубининг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди. Унда 37-ўрта мактабнинг 50 дан зиёд юқори синф ўқувчиси қатнашди.

Пўлат изларнинг меҳнатчилари болалар ҳузурига меҳмон бўлиб келишди. Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери, фахрий темирйўлчи Алексей Анисимович Скудов болаларга темир йўл транспортининг ўзига хос хусусиятлари, машинистлик касби ҳақида ҳикоя қилиб берди. Шундан кейин биринчи классли машинист, фахрий темирйўлчи Александр Семёнович Филатовнинг ҳикояси тингланди. Улуғ Ватан уруши катнашчиси, инженер Василий Нестерович Карпенко темир йўл транспорти бунёдкорларининг уруш йилларидаги фаолияти ҳақида гапириб берди.

Бундан ташқари Тошкент темир йўл техникумининг ўқитувчилари ва юқори курс студентлари йиғилганларни пўлат изларнинг ўрта малакали мутахассисларини тайёрлаш борасида олиб борилаётган ўқувтарбия ишлари билан таништиришди.

Беш йилдан буён ишлаб турган бу клубнинг қатнашчилари касб танлаш кабинети ташкил этган кўргазма, Ўрта Осиё темир йўли бошқармаси меҳнатчиларнинг анъаналари билан таништирдилар. Шу нарсани айтиб ўтиш керакки, бу клубнинг кўпгина қатнашчилари ҳозирда темир йўл транспортида самарали меҳнат қилмоқда.

ҚИШКИ КАНИКУЛ ТАРАДДУДИ

Мана мактаб ўқувчиларининг қишки каникули ҳам яқинлашиб қолди. Ҳамма жойда янги йил арча байрамига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Барчанинг қалбида шодлик ва ҳаяжон.

Шаҳар халқ маорифи бошқармаси 30 декабрдан 10 январгача давом этадиган ўқувчилар каникулида болаларнинг кўнгилли дам олиши, байрам кунларини завқли ва қизиқарли ўтказиши учун барча ташкилий чора-тадбирл а р н и амалга оширмоқда.

— Янги йил кунлари шаҳримизнинг кўпгина жойлари —В. И. Ленин номли майдонда, оперетта, Горький номли, Қўғирчоқ. Ёш томошабинлар театрларида ҳамда Горький ва Островский номли шаҳар пионер ва ўқувчилар саройларида катта Арча байрами ўтказилади, — дейди биз билан суҳбатда шаҳар халқ маорифи бошқармаси бошлиғи Х. Йўлдошев. — Бу арча байрамига шаҳримиздаги мактаблардан 225 минг ўқувчи қатнашади. Бундан ташқари ҳар бир районда ва шаҳарда юқори синф ўқувчиларининг байрам базми бўлиб ўтади.

Шунингдек, болалар учун яна бир тадбир амалга оширилади. 10 минггa яқин тошкентлик ўқувчи экскурсия ва туристик саёҳатда қатнашади. Улар Москва, Ленинград, Киев, Житомир, Болтиқ бўйи ҳамда Ўрта Осиё республикалари бўйлаб саёҳатга чиқишади.

ҚУВНОҚ ДАВРА ЧОРЛАЙДИ

Янги йил эшик қоқяпти. Болаларнинг қувончи чексиз. Улар ям-яшил безанган арчани, Қорбобо ва Қорқизни интизорлик билан кутишмоқда. Арча атрофида бўладиган қизиқарли томошаларга тайёрланишяпти, куй ва қўшиқлар машқ қилишмоқда.

Арча байрамига шаҳримиздаги барча пионер ва ўқувчилар саройида қизғин тайёргарлик бормоқда. Айни кунларда Островский номли пионер ва ўқувчилар саройи ҳам болалар билан гавжум. Бу ерда шаҳардаги мактаб ўқувчилари учун катта Арча байрами ўтказилади.

— Саройимизда ҳозир 168 та тўгарак график бўйича ишлаб турибди. Унга 2400 ўқувчи қатнашади. Шу кунларда ўқувчилар арча байрамига ҳозирлик кўришмоқда, — дейди директор Толибжон Қорабоев.— Байрам кунлари 7 та — драма, рақс, қўғирчоқ ва бошқа тўгараклар, «Пахтаой», «Учқунча» вокал-чолғу ансамблари қизиқарли куй ва қўшиқлар ижро этадилар. Арча байрамига тўгарак аъзоларидан минг ўқувчи, шаҳар мактабларидан 300 дан ортиқ ўқувчи қатнашади. 6—7 январь кунлари пионерлар саройида юқори синф ўқувчилари учун байрам базми ўтказилади. Унда шаҳар мактабларидан 1000 дан зиёд пионер активи иштирок этади.

Арча байрамини кўнгилли, завқли ўтиши учун сарой 3 минг сўм маблағ ажратган.

Д. ИКРОМОВА.

• *БЕПОЁН ВАТАН БЎЙЛАБ*

ҚИЗҒИН ТАРАДДУД

Республика болалар марказий туристик станцияси коллективи қишки саёҳат мавсумига катта тайёргарлик кўрляпти. Чунки қишки каникул кунларида минглаб ўқувчилар мамлакатимизнинг Москва, Ленинград, Киев каби шаҳарларини томоша қилиш учун сафарга чиқишади.

— Каникул кунларида фақат Москва, Ленинград ва Киев шаҳарларининг ўзига 200 га яқин ёш турист боради. Шунингдек, республикамизн и н г Самарқанд, Бухоро, Фарғона каби шаҳарларига ҳам юзлаб ёш тошкентликлар саёҳатга чиқадилар. Чорвоқ ГэСида бўладилар, — дейди станция директори Р. Бобораҳимов.

Ўзбекистон пойтахтига келувчилар ҳам қишки каникулни кўнгилли ўтказиши учун станция ходимлари барча чора ва тадбирларни кўришмоқда. Ёш меҳмонлар Тошкентнинг қадимий обидалари, янги массивлари музей ва виставкалари билан таништирадилар. Кино ва театрларда томоша кўрадилар.

Туристик станция қишки каникулда ўтказиладиган туристик саёҳатлар учун ўн минг сўм маблағ ажратган.

ШАРҲЧИ САТРЛАРИ

АРАБЛАРГА ҚАРШИ ТИЛ БИРИКТИРИШ

АҚШ билан Исроил мудофаа министрлари Вашингтонда «стратегик ҳамкорлик масалалари юзасидан ҳамжиҳатлик тўғрисида меморандум» деб аталмиш меморандумни имзоладилар. Гарчи бундай «ҳамжиҳатлик» аллақачондан буён мавжуд эканлиги маълум бўлсада, Вашингтон «меморандуми» бусиз ҳам ниҳоятда кучайиб кетган Яқин Шарқдаги вазиятга бир қанча янги ва ғоят хатарли элементлар киритади.

Бу ҳужжат Вашингтон ва Тель-Авив ҳарбий режалари қалин муваффиқлаштирилиш и н и, биргаликда ҳарбий маневрлар ўтказишни, Исроилда Америка оғир қуролларининг стратегик запаслари тўпланишини, Исроил базалари ва бошқа ҳарбий объектлардан жандармчи «тез ҳаракат қилувчи кучлар»нинг фойдаланишни учун уларни қайта жиҳозлашни кўзда тутади. Шундай қилиб, гап АҚШ билан Исроилни амалда батамом «ҳарбий интеграциялаш» борасида аллақачондан буён тузиб келинаётган планларни рўёбга чиқариш йўлида қўйилган янги қадам тўғрисида бормоқда.

Америка — Исроил ҳарбий иттифокининг тиғи араблар дунёсидаги миллий-озодлик кучларига қарши қаратилган бўлиб, бу иттифокнинг янада мустаҳкамланишини Вашингтоннинг жаҳоншумул милитаристик стратегиясидан ажратилган ҳолда қараш мумкин эмас. АҚШнинг «ҳаётий манфаатлари»ни ҳарбий кучдан фойдаланиб мана шундай хатарли ўйнашишда Исроилга асосий ролни ажратиб бермоқда.

Синай ярим оролидан Исроил қўшинлари олиб чикиб кетилгандан кейин у ерни Америка босиб олишини никоблаши лозим бўлган ҳамда Қўшма Штатлар тузаётган «кўп миллатли кучлар»да Англия, Франция, Италия ва Голландиянинг иштироки этиши хусусида «ҳамжиҳатлик»ка эришилганлиги ҳам Вашингтонда тузилган битимнинг таркибий қисми бўлди. Бу эса НАТО империалистик блокининг ҳаракат доираси Яқин Шарқ районига амалда ёйилишини билдиради, Вашингтон мана шунга эришишга зўр бериб ҳаракат қилиб келаётган эди.

Вашингтон ўз режаларининг агрессив, гегемончилик моҳиятини яширишга уриниб, «Совет хавфи» бор деган ва ниҳоятда миси чиққан афсонани яна такрорламоқда. Америка—Исроил «стратегик ҳамкорлигини кенгайтириш ва шу режаларни амалга оширишга кўмаклашиши керак. Аммо Америка сиёсатининг ижодкорлари араб мамлакатларини чалғитишга муваффак бўла олмаяптилар. Араб мамлакатлари Америка—Исроил ҳарбий-сиёсий иттифокини арабларнинг ҳаётий манфаатларига бевосита қарши қаратилган иттифоқ деб, Яқин Шарқ кризисини адолатли ва ҳар жиҳатдан тинч бартараф этиш йўлидаги асосий тўсиқ деб баҳоламоқдалар.

Вашингтон ўзининг сионист иттифокчисини араб мамлакатларига қарши агрессияни кучайтиришга рағбатлантириб, Яқин Шарқда ғоят хатарли иш олиб бормоқда.

Б. ШАБАЕВ,

ТАСС шарҳловчиси.

ЮКСАК МАРРАНИ КЎЗЛАБ

Маршрутли таксилар 2-автотранспорт корхонасида «СССР 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафталик» шиори остида бошланган социалистик мусобақада етти бригада ҳайдовчилари фаол қатнашмоқдалар. Улар бригада пудрати усулида меҳнат қилиб, ўзлари хизмат кўрсатаётган маршрутлар «Намунали хизмат маршрути» номини олиши учун курашмоқдалар. Йигирмадан ортиқ ҳайдовчи эса шахсий беш йиллик планини тўрт-тўрт ярим йилда бажариш мажбуриятини олди.

Социалистик мусобақанинг олдинги сафида Ф. Тинчеров П. Малаев, Ш. Аҳмедов кабилар боришяпти. Ана шу илғорлар ва уларнинг яна 105 ҳамкасби ҳозирнинг ўзида 1982 йил меҳнат календарини очишган.

Транспортчилар коллективи йил бошидан бери пландан ташқари 268 минг пассажирга хизмат кўрсатди. 60 минг сўмликдан ортиқ даромад олди.

МАЖБУРИЯТЛАР ИЗИДАН

Меҳнат суръати ва маромини оширайлик

АКМАЛ ИКРОМОВ ВА СЕРГЕЛИ РАЙОНЛАРИ МУСОБАҚАСИ

Икки мусобақадош районнинг ишлаб чиқариш коллективлари асосий буюмлар ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича ўн бир ойлик планни муддатидан аввал бажардилар. Маҳсулот реализацияси ҳажми бўйича январь-ноябрь ойлари плани Акмал Икромов районида 2,0 процент, Сергели районида 0,8 процент ортиғи билан адо этилди. Бу планга қўшимча 2.216 минг сўмлик ва 1.267 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш имконини берди. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми қиландаги кўрсаткичдан 2,3 ва 1,1 процент юқори бўлди, ишлаб чиқариш ҳажмининг умумий ўсиш суръати 5,5 ва 7,1 процент юксалди.

Акмал Икромов районида меҳнат унумдорлиги ҳажми бўйича план 102,7 процент, Сергели районида 102,3 процент бажарилди. Меҳнат унумдорлигини юксалтириш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,5 ва 3,6 процент ўсди. Акмал Икромов районида ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг 83,6 процентига, Сергели районида 53,5 процентига меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига эришилди.

Ҳисоблаш техникасини ремонт қилиш заводи, сут комбинати, миллий чолғу асбоблари фабрикаси, «Чевар» тикувчилик бирлашмаси (Акмал Икромов райони), Мебель бирлашмаси, «Ўзвторцветмет» корхонаси, «Ўзбекпроектмебел ь» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, ғўзапоядан плиталар ишлаб чиқарувчи завод, қўёш тўқиш мосламалар заводи (Сергели райони) каби корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажми 8—10 процент ва ундан ҳам кўпроқ ўсди.

Бир қатор корхоналар буюртмачиларга буюмлар етказиб бериш бўйича ўн бир ойлик плани муваффақиятли адо этди. Жумладан, чолғу асбоблари фабрикаси, сут комбинати (Акмал Икромов райони), сунъий ва табиий чарм ишлаб чиқариш бирлашмаси, ғўзапоядан пресслан-ган плиталар ишлаб чиқарувчи завод, қўёш тўқиш мосламалар заводи, темир-бетон конструкциялар ва шпаллар заводи, қурилиш министрлигининг ёғочни қайта ишлаш заводи (Сергели райони) йиллик мажбуриятда белгиланганидан анча кўп планга қўшимча маҳсулот ишлаб чиқардилар.

Сергели районида ошхона ва бошқа мебеллар заводи қолоқлар сафида қолди. Бу корхонада ўн ой учун белгиланган 1,6 миллион сўмлик кам саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди ва реализация қилинди. Йиллик плани бажариш учун мебелчилар декабрь ойида 3,1 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, реализация қилишлари керак. Бу анча мураккаб вазифа.

Сергели районида 6 цех, 7 участка, 8 бригада ойлик топшириқни уддалай олмади. Акмал Икромов районида бешта цех, 6 та участка, 29 та бригада қолоқлар сафида қолди.

Акмал Икромов райони корхоналари январь—ноябрь ойларида умумий ишлаб чиқариш ҳажмида 7,2 процент маҳсулотни, Сергели райони корхоналари эса 5,9 процент маҳсулотни Сифат белгиси билан тайёрлади. Маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқариш бўйича ўн бир ойлик планни районлар 101,5 ва 100,5 процент адо этдилар. Маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқариш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан Акмал Икромов районида 4,1 процент, Сергели районида 17,6 процент юксалди.

Қурилиш-монтаж ишлари плани (марказлашган молия манбалари — 1981 йилнинг январь—октябрь ойлари маълумотлари) Акмал Икромов районида 93 процент, Сергели районида 104 процент бажарилди. Турар-жойни фойдаланишга топшириш бўйича ўн ойлик план Акмал Икромов районида 72 процент, Сергели районида 114 процент адо этилди.

Январь—ноябрь ойларидаги социалистик мусобақа якунини Акмал Икромов район саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа бўлими мудири Н. РАҲИМБЕРДИЕВ шарҳлайди:

— Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг тўртинчи (1981 йилнинг ноябрь ойидаги) Пленуми қарорида ишлаб чиқариш ва фан-техника имкониятларидан тўла фойдаланишга диққат-эътиборни қаратиш, барча резерв-лерни меҳнат унумдорлигини ўстиришни жадаллаштиришга, асосий ишлаб чиқариш фондлари самарадорлигини оширишга жалб этиш лозимлиги таъкидланган. Бу эса кўп жиҳатдан меҳнатнинг бир маромда бўлиши, ишлаб чиқариш суръатини жадаллаштириш учун кураш билан боғлиқ.

Мусобақадош районларнинг корхоналарида меҳнат унумдорлигини юксалтириш, ишлаб чиқариш фаолиятининг барча звеноларида меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш борасида кўп иш қилиняпти. Жумладан, «Чевар» тикувчилик бирлашмаси коллективи сўнгги йилда ишлаб чиқариш ҳажмини 8,6 процент юксалтирди. Бунга асосан ишлаб чиқариш фондларидан, жумладан, мавжуд ускуналардан самарали фойдаланиш эвазига эришилди. Меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш, ишнинг бригада методини жорий этиш анча самара берди.

Сут комбинатида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 9,8 процент ўсди. Бунда ҳам техникадан самарали фойдаланиш қўл келди.

Миллий чолғу асбоблари фабрикасида юксак кўрсаткичларга эришиляпти. Бу ерда маҳсулот ишлаб чиқариш сўнгги йилда олтидан бир баробарга ўсди. Иш жойларида турли хил мосламалардан ва асбоблардан самарали фойдаланиш, қўл кучидан фойдаланишни камайтириш, ишнинг бригада методини жорий этиш, меҳнат ва технология интизомини мустаҳкамлаш муваффақиятлар омили бўлди.

Юқоридаги суратда тасвирланган Ҳафиза Каримова 16 йилдан бери химия фармацевтика заводида баракали меҳнат қилиб келади. Коммунистик меҳнат зарбдори деган номга эга бўлган бу ишчи мунтазам равишда кунлик нормаларини 130 процентга етказиб адо этмоқда.

Пастдаги суратда «Учқун» тўқимачилик галантерея ишлаб чиқариш бирлашмасининг пешқадам ишчиси Холида Тешабоевани кўриб турибсиз.

И. Шоиноғомов фотолари.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

Бирдамликнинг ёрқин намойиши

ПАРИЖ. 1936—1939 йилларда Испанияда жанг қилган интернационал бригадалар ташкил этилган куннинг 45 йиллигига бағишланиб ўтказилган тантанали тадбирлар фашизмга қарши курашчилар билан бирдамликнинг ёрқин намойишига айланди. Иври шаҳри (Валь-Де-Марн департаменти)да республикачи Испания томонида туриб жанг қилган интернационалчи группаларнинг собиқ кўнгиллилари уюшмасининг ташаббуси билан икки кун давомида шу тадбирлар ўтказилди. Тантаналарда Франциянинг турли демократик ташкилотлари ва партиялари делегациялари, 15 та бошқа мамлакатдаги интернационал бригадаларнинг собиқ жангчилари иштирок этдилар.

Жаҳоннинг 53 мамлакатидан 35 минг антифашист интернационал бригадалар сафларида қатнашган эди. Улардан фақатгина 12 минг киши тирик қолди.

Департаментк и н г бош кенгашида ва Иври шаҳри муниципалитетида испан халқининг озодлиги учун ўз ҳаётини қурбон қилган кишилар хотирасига бағишланган йиғилишлар бўлиб ўтди. Шаҳарда интернационал бригадаларнинг тарихи тўғрисида ҳикоя қилувчи виставка очилди, испан халқининг фашизмга қарши олиб борган қаҳрамонона кураши тўғрисида, Совет Иттифоқининг республикачи Испанияни қўллаб-қувватлаганлиги ҳақида ҳикоя қилувчи «Испания эпопеяси» фильми намойиш қилинди.

Интернационал бригадаларнинг кураши, деб таъкидлади Франция Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси Э. Фажон Иври шаҳрида сўзга чиқиб, халқаро бирдамликнинг энг ёрқин намуналаридан бири бўлиб қолади.

Ички ишларга аралашилмоқда

ЛУАНДА. АҚШнинг Ангола Халқ республикасига нисбатан ўтказаётган сиёсати Бирлашган Миллатлар Ташкилоти устави руҳига зид бўлиб, суверен давлатнинг ички ишларига бевосита аралашувдир, дейилади Анголанинг ахборот агентлиги Ангоп шаҳрида.

Ангоп агентлиги Вашингтоннинг «Ангола қонуний ҳукуматини қўпориш» йўлидаги уринишларини кескин қоралади. АҚШ ҳукуматининг ирқчи Преторія режимини ва унинг Анголадаги агенти — Унита каллакесарларини қўллаб-қувватлаётганлиги — халқаро ҳамжамиятга қилинаётган дағдағадир деб уқтиради агентлик.

Преторія ирқчиларининг Халқ Анголасига қарши эълон қилинмаган уруш бошлаганлиги Жанубий Африка республикасидаги африкалик аҳолини дарғазаб қилмоқда, деди бу ерда Жанубий Африка миллий конгресси ёшлар секциясининг биринчи секретари Эдвин Фунде.

Биз Апартеид режимининг Ангола, Мозамбик, Замбия ва Африка жанубидаги бошқа «фронт бўйи» давлатларига қарши ваҳшиёна агрессияси дарҳол тўхтатилишини, мустақил ва суверен Анголанинг жанубий районлари босиб олинишига чек қўйилишини талаб қиламиз.

ҚИСҚА ХАБАРЛАР

БЕРЛИН. Бу ерда олимлар, маданият ва санъат арбобларининг ялпи тинчлик учун кураш масалаларига бағишланган халқаро учрашуви бошланди.

Бу анжуманда социалистик мамлакатларнинг, шу жумладан Совет Иттифоқининг вакиллари, шунингдек Ғарбий Европадаги бир қанча мамлакатларнинг намояндалари иштирок этмоқдалар. Учрашув қатнашчилари ижодкор зиёлилар тинчлик ва кескинликни юмшатишни мустаҳкамлаш ишига, қуролсизланиш ва халқаро хавфсизликни таъминлаш учун курашга муҳим ҳисса қўшаётганликлари н и таъкидладилар. Тинчликни сақлаш ва ядро ҳалокатига йўл қўймаслик, деб уқтириб ўтилди учрашувда, ҳозирги вақтда энг муҳим вазифадир. Реакцион империалистик кучлар халқларни ана шу ядро ҳалокатига судрамоқдалар.

⁂

СТОКГОЛЬМ. Норвегиянинг таниқли сиёсий арбоби, мамлакатнинг собиқ бош министри Эъвар Герхардсен Европанинг шимолида ядросиз зонани вужудга келтириш зарурлигини ёқлаб гапирди.

У Швеция телеграф бюроси ходими билан суҳбатда бундай деди: шимолий мамлакатлар ўз территориясида ядро қуролига эга эмас. Бу регион ядро қуролидан ҳоли бўлиб қолганида яхши бўлур эди.

Э. Герхардсен Норвегия халқи мамлакат территориясида ядро қуролининг жойлаштирилишига қарши чиқаётганлигини таъкидлади.

⁂

БАЙРУТ. Бу ерда Ливан Бош министри Ш. Ваззан Фаластин Озодлик Ташкилоти ижроия комитетининг Раиси Я. Арафат билан учрашди. Учрашув вақтида Ливандаги аҳволни нормаллаштириш соҳасида Ливан ҳукумати билан Фаластин Озодлик Ташкилоти ҳаракатини мувофиқлаштириш масаласи муҳокама қилинди.

⁂

МАПУТУ. Фрелимо партиясининг раиси, Мозамбик республикасининг президенти С. Машел халқ ассамблеясининг 1-сессиясини тантанали очиш маросимида нутқ сўзлаб, социалистик ҳамдўстликнинг мавжудлиги ер юзида тинчликни таъминлабгина қолмай, шу билан бирга Мозамбик сингари мамлакатларда социализм қуриш учун шароитни ҳам вужудга келтиради, деди.

Ривожланган социалистик мамлакатлар билан дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, деб таъкидлади президент. Мозамбикда социалистик жамият асосларини вужудга келтириш учун иқтисодий базани яратиш имконини ҳам беради. Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг эришган муваффақиятлари биз учун ҳамиша илҳомбахш манба бўлиб хизмат қилади, деди у.

⁂

ТОКИО. Мамлакатдаги бир қанча энг йирик касаба союзлари ўтказган текшириш материалларида бундай дейилади: Японияда солиқларнинг кўпайиши суръатлари ишчилар иш ҳақининг ўсиш суръатларидан икки ярим баравардан зиёд ошиқдир. 1977—1980 йилларда ишчилар иш ҳақини кўпайтиришнинг ҳар бир проценти ҳисобига солиқлар ўрта ҳисобда 2,5 процент ошди.

Медицина страхованиеси, ишсизлик страхованиеси юзасидан бадал тўлаш ҳам иш ҳақига қўшилаётган пулга нисбатан анча тез ўсди. Меҳнаткашлар ўз ҳуқуқлари учун ҳар йили олиб борган кураш натижасида иш ҳақига ана шундай қўшимча ҳақ қўшилишига эришган эдилар.

АРХЕОЛОГИЯ КАШФИЁТЛАРИ

МАДРИД. Америкалик олимлар Испаниянинг Сантендер шаҳри яқинида археологик қазишмалар олиб бораётганларида жуда қадимги — тош асрининг ибодатхонасини топдилар. Археологлар ғордан тош меҳроб билан ғалати сир ҳайкални топдилар. Ёғ ҳайкалнинг бир палласи одам юзини тасвирлаган бўлса, иккинчи палласи ҳайвон бошини тасвирлаган. Қазишмалар чоғида уйрўзғор ашёлари, қуроллар ҳам чиқди.

* * *

ҚОҲИРА. Қоҳирани нинг Айншамс районида қазишмалар олиб бораётган археологлар қизиқарли кашфиёт қилдилар. Улар бундан уч минг йил чамаси аввал Мисрда ҳукмронлик қилган Рамсес IX сулоласига мансуб Фиравнининг ўғилларидан бири — Шаҳзода Намбаатра ибодатхонасини очдилар. Беш метр чуқурликда ибодатхона эшигининг яхши сақланиб қолган парчалари топилди. Унда қадимги Миср ҳукмдори ҳаётидан лавҳалар тасвирланган.

Битиклари бўлган устун, кўпдан-кўп турли безак буюмлар ҳам топилди.

* * *

ДЕҲЛИ. Тамилнаду штатидаги ҳинди балиқчиларнинг тўрларига тилла илинди. Улар дарё тубидан бир кувача кўтариб олдилар. Унинг ичидан улуғ мўғуллар сулоласи ҳукмронлиги даврида зарб этилган каттакичик 108 та тилла танга чиқди. Тангалар штат маъмурларига топширилди.

* * *

Ҳиндистоннинг Читрадурга шаҳри (Карнатака штати) яқинидаги тоғларда тош асрининг одами қояга чизган 30 га яқин расм топилди. Палахса қояларда ва горларнинг деворларига ов манзаралари, одамлар, ёввойи ҳайвонлар тасвирланган.

* * *

ЛИМА. Давлат археология ва антропология музейидан иккилар давлати даврига мансуб 34 тилла ва кумуш буюм ўғирлаб кетилди. Булар орасида бриллиантлар қадалган маросим олтин пичоғи ҳам бор.

Мутахассисларнинг г чамаларига кўра ўғирланган экспонатларнинг қиймати 5 миллион долларга боради. Расмий маълумотларга кўра бултурнинг ўзидагина Перу музейлари ва черковларидан 5 мингтадан кўп санъат асарлари ўғирлаб кетилган.

* * *

ТОКИО. Бу ердаги «Сэйбу бидзюцукан» виставкалар залида Совет Ўрта Осиёси территориясидан топилган археологик ашёлар виставкаси муваффақият билан ўтди. Экспозицияда Тошкент, Киев ва мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларидаги музейлар экспонатларидан териб олинган намуналар кўрсатилганди.

ЧАДДАГИ ВАЗИЯТ

ЛАГОС. Чаддаги вазият одатдагидан анча жиддийроқдир, деди мамлакат ташқи ишлар давлат министри Аҳмат Агбаш Асил Чаднинг шарқида жойлашган Ати шаҳрида Нигерия журналистлари билан учрашув вақтида. Нигерия янгиликлар агентлигининг хабар қилишича, давлат министри тинчликни сақловчи Африка мамлакатлараро кучлар Чад бирлашган армиясига ҳозирги вақтда собиқ мудофаа министри Хабренинг шайкалари босиб олган мамлакат районларини устидан назорат ўрнатишда ёрдам берсинлар деган истакни билдирди. Исёнчиларнинг кучлари ана шу районлардан ҳайдаб чиқарилгандан кейингина Чадда тинчлик ўрнатилади, деб таъкидлади у.

Аҳмат Асил Хабрега мадад бераётганликлари учун Судан билан Миср қоралади. У айни вақтда қўшни давлатлар ва жумладан, Ливия билан дўстона муносабатларни сақлаб қолиш Чад учун зарурлигини таъкидлади. Ливия, деди министр, Хабре қўшинларини Чад территориясидан қувиб юборишда бизга ёрдам берган эди.

⁂

ПАРИЖ. Чаднинг бирлашган миллий армияси қўшинлари Хабре шайкаларини ва Судан қўшинларини Абеше шаҳридан 30 километр Ғарбга улоқтириб ташладилар. Франс Пресс агентлиги Ливиянинг Жана информация агентлигига асосланиб, шу ҳақда хабар қилди.

Жана агентлигининг хабарига кўра, Чаднинг ҳукумат қўшинлари билан Абешедан суриб чиқарилган Хабре отрядлари ўртасида жанглар давом этмоқда.

Ядро синовлари оқибати

НЬЮ-ЙОРК. Франция ҳукумати Тинч-океаннинг жанубий қисмида ядро синовларини амалга ошириши натижасида синов ўтказилган Маржон ороли кейинги 7 йил мобайнида муттасил вайрон бўлмоқда ва жуда кўп миқдордаги радиоактив моддалар денгизга тушди деб ёзади «Нью-Йорк таймс» газетаси.

Газета ядро синовлари учун майдон бўлиб хизмат қилаётган Маржон ороли «Том маънода оксанга чўкмоқда» деб ёзади. Ҳар бир портлатишдан кейин оролнинг денгиз сатҳидан баландлиги тобора пасайиб кетмоқда. Ҳозир бу орол 1975 йилдагидан қарийб бир ярим метр пастдир. Франция ҳукумати ўша пайтда атмосферада ядро синовларини ўтказиш программасидан воз кечиб, Маржон оролида ер ости ядро портлатишларини ўтказишга киришган эди.

Қарийб етти йил муқаддам Мурроа оролида ядро синовлари бошланганидан кейин кўп ўтмай, Тинч океан сувига радиоактив чиқиндилар туша бошлади, деб ёзади «Нью-Йорк таймс» газетаси.

Францияниг атом энергияси билан шуғулланувчи комиссариати ходимларининг хабар беришича, деб ёзади газета, шу йил 22 мартда рўй берган кучли довул радиоактив чиқиндилар сақланадиган жойнинг асфальт қопламасини бузиб ташлаган. Шундан кейин радиоактив моддалар ана шу оролдаги кўлга ювилиб кирган. «Нью-Йорк таймс» газетаси довул натижасида радиоактив чиқиндилар сақланадиган жойнинг бу емирилиши бирдан-бир ҳол эмаслигини кўрсатиб ўтади.

ЖАБР-ЗУЛМ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

МЕХИКО. Чили ичкарисида тобора кўпроқ яккаланиб қолаётган Пиночетнинг фашист режими мамлакатда яна жабр-зулм тўлқинини кучайтириб юборди.

Чилида тақиқланган сўл христианлар партиясининг вакиллари бу ерда Пиночет охранкаси шу партия раҳбарлари ва активларидан катта бир группасини қамоққа олганлигини маълум қилдилар. Қамоққа олинганлар орасида халқ бирлиги ҳукуматидаги собиқ министр Педро Фелипе Рамирес, таниқли юрист Эухенио Диас, Чили инсон ҳуқуқлари комиссиясининг бош секретари Херман Молина, «Катта Сантъяго» христиан жамоаларининг раҳбари Пабло Фуэнсалида, «Тинчлик ва адолат» черков ташкилотининг ижроча секретари Хорхе Осорио бор.

Қамоққа олинганларнинг кўпчилиги «давлат ички хавфсизлигига қарши фитна»да айбланмоқдалар.

КАСАБА СОЮЗ ҲАЁТИДАН

ҚИШКИ ДАМ ОЛИШ МАРШРУТЛАРИ

Андижон областидан социалистик мусобақа ғолиблари бўлмиш қишлоқ меҳнаткашлари Қора денгизда «Ўзбекистон» номи билан аталувчи теплоходда сузиш имкониятига эга бўлдилар. Колхоз ва совхозларнинг касаба союз ташкилотлари илғорларни бепул ва имтиёзли йўлланмалар билан мукофотлади. Шинам ва қулай кемада денгиз бўйлаб саёҳат икки ҳафта давом этади. Сирдарё областидан илғор пахтакорлар группаси ҳам декабрда Қора денгиз бўйлаб саёҳатга жўнаб кетади.

Туризм ва экскурсиялар республика кенгаши меҳнаткашларнинг дам олишини ташкил этувчи республика комиссиясининг тавсияларини бажара бориб, энг яхши қишлоқ меҳнаткашларининг Тошкентда дам олишини ташкил этди. Республиканинг ҳамма областларидан келадиган тўрт мингдан ортиқ пахтакор Ўзбекистон пойтахти билан танишади. Улар беш кун ичида театрларда, музейларда, циркда бўладилар, қулай автобусларда Чимёнга, пойтахт областининг илғор колхозлари ва совхозларига сафар қиладилар. Кўпгина колхозчилар, совхоз ишчилари йигирма кунлик йўлланмалар билан Шимолий Кавказ, Қрим, Қора денгиз соҳилининг курорт шаҳарларига жўнаб кетадилар. Қишлоқ аҳолиси учун қишки дам олиш куни маршрутлари ҳам ишлаб чиқилган.

(ЎзТАГ).

• *Идеология ишлари кундалиги*

СИЁСИЙ МАОРИФ КАБИНЕТИДА

Партия маорифи шаҳобчаларида янги ўқув йилига Октябрь революцияси номидаги, Меҳнат Қизил Байроқ орденли тепловоз ремонти заводида пухта ҳозирлик кўрилди. Бунга корхона сиёсий маориф кабинетига кирганимизда яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

...Озода, ёруғ, кенг хона. Бу ер бугун жуда гавжум экан. Чунки кимгадир сиёсий адабиёт, кимгадир маслаҳат, йўл-йўриқ керак.

Пропагандистлар учун партия маорифи кабинетида турли оммавий-сиёсий адабиётлар, зарур қўлланмалар, «Съезддан-съездгача», «Янги адабиётлар», «Завод ўтмиши, бугуни ва келажаги», «Агитаторларга ёрдам» деб номланган стендлар — қисқаси, ҳамма нарса муҳайё этилган. Шунингдек КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартисининг XX съезди материаллари бор. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Леонид Ильич Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ» ва «Эсдаликлар» асарларидан пропагандистлар ўз ишларида кенг фойдаланмоқдалар.

Сиёсий маориф кабинетининг мудири Татьяна Николаевна Рижонкова биз билан суҳбатда қуйидагиларни гапириб берди:

— Заводимизда кейинги йилларда ишчиларнинг сиёсий ва иқтисодий билимини оширишга катта эътибор берилмоқда. Тингловчилар сиёсий ва иқтисодий билимларни ўр қизиқиш билан ўрганмоқдалар. Группаларда ўтаётган машғулотларда билимни ҳаётга тадбиқ этишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Шуни қувонч билан айтиш керакки, заводимизда шаҳар марксизм-ленинизм университетининг филиали ташкил этилган. Уни биринчи бор 40 инженер-техник ходим битириб чиқди. Ҳозир улар тингловчиларга сиёсий ва иқтисодий билимни пухта эгаллашда яқиндан ёрдам бермоқдалар. пропагандистлик маҳоратларини оширишда ҳар бир сигирдан планга қўшимча равишда қарийб минг килограмм сут соғиб олди. Бундан етти йил илгари фермага ишга келган Турсунтоқ бу ерда ўз касбининг сирларини ўрганди, ёшларга мураббийлик қилди. Унинг шогирдларидан Чирой Хўрозова, Сожида Норбоева, Гулнора Мирзақуловалар мўл сут соғиб олмоқдалар.

* * *

Олмалиқ шаҳар касалхонасидан терапевт Абдусаттор Абдураҳмонов ва республикадаги қишлоқ клиникаларидан унинг ўнлаб ҳамкасблари турдош врачлик ихтисосларини ўзлаштириб олдилар. Улар Тошкент врачлар малакасини ошириш институти қошида ихтисослаштириш курсларида ўқишни тугаллаб, эндокринолог бўлиб ишлаш ҳуқуқини олдилар. Фасима Мустафаева ва кўплаб бошқа педиатрлар болалар невропатологлари бўлишди.

Институтда 50 ихтисос бўйича стажировка ўтказилмоқда. Шу туфайли юзлаб терапевт ва хирурглар айни вақтда кардиолог, эндокринолог, рентгенолог, анестезиолог ва бошқа кўплаб профилдаги ихтисосларни эгалладилар.

(ЎзТАГ).

РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ

Ўзбекистон ССР қишлоқ қурилиши министрлигига қарашли Сергелидаги ёғочни қайта ишлаш заводида бинокорлик материалининг янги тури ишлаб чиқарила бошланди. Экспериментал технология линияси конвейеридан асбест, цемент, ва метилцеллюлоза аралашмасидан иборат одатдан ташқари қурилиш материалидан тайёрланган дераза пештахталарининг дастлабки туркуми тайёрлаб чиқарилди. Пештахта енгил, мустаҳкам бўлиб, нам ўтказмайди.

* * *

Республика қишлоқ қурувчилари пахта сақлаш учун йиғма омборлар қуришда енгил конструкцияли панеллардан фойдаландилар. Ғоят пишиқлиги билан ажралиб турадиган бундай панелларнинг қалинлиги атиги ўн беш миллиметрдир. «Ўзсельстройиндустрия» трестига қарашли Бектемирдаги темир-бетон буюмлар заводида анча миқдордаги цементни тежашга имкон берадиган арлоцемент панеллар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

* * *

Ильич районидаги Титов номли совхозда сут соғувчи Турсунтош Мирзақулова сигирлар маҳсулдорлигини кескин оширишга муваффақ бўлди. У йил бошидан бери ҳар бир сигирдан планга қўшимча равишда қарийб минг килограмм сут соғиб олди. Бундан етти йил илгари фермага ишга келган Турсунтоқ бу ерда ўз касбининг сирларини ўрганди, ёшларга мураббийлик қилди. Унинг шогирдларидан Чирой Хўрозова, Сожида Норбоева, Гулнора Мирзақуловалар мўл сут соғиб олмоқдалар.

* * *

Олмалиқ шаҳар касалхонасидан терапевт Абдусаттор Абдураҳмонов ва республикадаги қишлоқ клиникаларидан унинг ўнлаб ҳамкасблари турдош врачлик ихтисосларини ўзлаштириб олдилар. Улар Тошкент врачлар малакасини ошириш институти қошида ихтисослаштириш курсларида ўқишни тугаллаб, эндокринолог бўлиб ишлаш ҳуқуқини олдилар. Фасима Мустафаева ва кўплаб бошқа педиатрлар болалар невропатологлари бўлишди.

Институтда 50 ихтисос бўйича стажировка ўтказилмоқда. Шу туфайли юзлаб терапевт ва хирурглар айни вақтда кардиолог, эндокринолог, рентгенолог, анестезиолог ва бошқа кўплаб профилдаги ихтисосларни эгалладилар.

(ЎзТАГ).

● ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

ДАЛАЛАРНИНГ ДОРИСИ

Республика деҳқонлари Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ўсимликлар эксперименталь биологияси институтининг олимлари ишлаб чиққан гўзанинг шўрга бардошлилигини ошириш методидан фойдаланиб, шу йил ўн миллион сўмга яқин иқтисодий самара олдилар.

Улар тадқиқот чоғида шу нарсани аниқладиларки, шўр тупроққа оз эрийдиган кальций тузи солинса пахтазор ҳосили гектар бошига ернинг шўрланиш даражасига қараб 20 процентгача кўпаяр экан, олимлар хўжалик шартномаларига биноан республиканинг турли зоналаридаги экин майдонларини батафсил текшириб чиқдилар, пахтакор хўжаликлар учун конкрет тавсиялар ишлаб чиқдилар. Мирзачўл, Хоразм, Бухоро деҳқонлари шу тавсиялар асосида мувофиқ ўн минглаб гектар ерга кальций тузи билан ишлов бердилар. Ҳамма ерда ўтказилган ишлар ҳосил кўпайиши билан қопланиб кетди.

(ЎзТАГ).

Коммунист Виктор Бочков «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмасининг механика цехида токарь бўлиб ишлайди. Шу кунларда у 1982 йилнинг декабрь ойи ҳисобига меҳнат қилмоқда. Бу пешқадам ишчи икки беш йиллик план топшириқларини бир беш йилликда бажариш мажбуриятини олган.

СУРАТДА: В. Бочков.

И. Шоиноғомов фотоси.

БАХТИМИЗ УЧУН КУРАШГАНЛАР

ИНҚИЛОБ ЖАНГЧИСИ

(Н. П. ИГНАТОВ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 85 ЙИЛЛИГИГА)

Туркистон меҳнаткашларининг революцион ҳаёти билан ўз тақдирини узвий боғлаган Николай Павлович Игнатов илғор рус зиёлиси эди.

Н. П. Игнатов 1896 йилнинг декабрида Юқори Тепловск районининг Предел қишлоғида (ҳозирги Ворошиловград области, Украина ССР) камбағал деҳқон оиласида туғилди. Кўпгина тенгдошлари сингари у ҳаётнинг оғир машақатини эрта татиб кўрди. Отаси рус-япон урушида халок бўлганидан сўнг, Н. П. Игнатов 11 яшар чоғиданоқ ўз меҳнат фаолиятини қулоқлар қўлида бошлади.

1912 йилда муҳтожликдан иш қидириб, Сирдарё области Авлиёота уезднинг Челвадор қишлоғига келиб, тегирмончига ёлланма бўлиб ишга жойлашади. 1916 йили Н. П. Игнатов чор армиясига аскарликка олинди. У Самарқандда, кейин Тошкентда, крепостной артиллерия ротасида хизмат қилди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси даврида Тошкент крепостной артиллерия ротаси гарнизони асосан аввалги устахоналардан, унинг составида эса большевиклар алоҳида таъсир кўрсатган қисмлардан тузилган эди. Рота солдатлари Муваққат контрреволюцион ҳукуматга қарши курашларда бир неча бор қатнашдилар.

Н. П. Игнатов крепостной рота составида 1917 йилнинг сентябридаги революцион воқеаларда иштирок этди. Октябрь қуролли қўзғолони кунларида қўлига қурол олиб, Н. П. Игнатов Совет ҳокимияти учун меҳнаткашлар курашида қатнашди.

Унинг ҳаётида Улуғ Октябрь бурилиш ясади. У қатъий революцион эътиқодга эга бўлгани учун 1918 йил март ойида ўз ҳоҳиши билан Қизил Армия сафига киради. Тез кунларда Н. П. Игнатовни актив жангчи сифатида Тошкент гарнизони қалъасининг текширувчи комиссиясига аъзоликка тавсия этишди. 1919 йилнинг январида ҳокимиятга қарши контрреволюцион исён кўтарилганда Н. П. Игнатов ҳеч бир иккиланмай Улуғ Октябрнинг қўлга киритган ютуқларини сақлаб қолишга отланди.

1919 йил августида Н. П. Игнатов ҳаётида унутилмас воқеа юз берди. Уни ленинчи Коммунистик партия сафига қабул қилдилар. Шундан сўнг у 60 йилдан зиёд Коммунистик партия сафида бўлди.

1919 йилнинг иккинчи армида Туркистон республикасидаги ташвишли аҳволни ҳисобга олиб, В. И. Ленин Туркистонга ҳар томонлама ёрдам бериш чораларини кўрди. Шарқий фронт 1919 йил 11 августда икки фронтга бўлинди: Шарқий ва Туркистон фронтларига. Туркистон фронтининг кўмондони қилиб М. В. Фрунзе тайинланди.

Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг жанубий-шарқий территориясини ички контрреволюцион ва чет эл интервентларидан тозалаш Туркистон фронтининг зиммасига юклатилган эди. Туркистон фронти аскарлари М. В. Фрунзе ва В. В. Куйбишев раҳбарлиги остида душманни енгишга қаратилган жанговар операцияни муваффақиятли ўтказдилар.

Туркистон фронти қошида тузилган революцион ҳарбий трибунал 1919 йил ноябрида Н. П. Игнатовни терговчи лавозимига, кейин коллегия аъзолигига тавсия қилди. Ташаббускор коммунист Н. П. Игнатов қўшинлар ўртасида катта ташвиқот ишларини олиб борди. У Қизил аскарлар олдида мамлакатимиз мудофаа қобилияти, Қизил Армияни мустаҳкамлаш масалаларига оид лекция ва докладлар ўқиди.

Н. П. Игнатов ҳарбий воқеаларнинг ичида юради. У қўлига қурол олиб босмачиларга қарши мардона курашди. 1926 йил ноябрида соғлиғи юзасидан Қизил Армия сафидан демобилизация қилинди. 1926 йилнинг охири ва 1938 йил февралигача Н. П. Игнатов Совет ва Касаба союз ишларида хизмат қилди.

СССР Ташқи савдо Халқ Комиссариати Таможня контролининг ходими сифатида у мамлакатимизнинг жанубий чегарасида Совет давлати манфаатларини ҳимоя қилди. СССРнинг Ўзбекистон бўйича хўжалик муассасалари Касаба союзи Марказий правлениесининг раиси лавозимида самарали ишлади.

1938 йил февраль ойида Н. П. Игнатовга билимдон ташкилотчи, актив коммунист сифатида масъулятли топшириқ берилади. У Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитетига инструктор қилиб тайинланди. Ўша вақтдан то 1964 йилга қадар шу жойда инструктор, партколлегия аъзоси ва Ўзбекистон КП Марказий Комитети ҳузуридаги партия комиссиясининг аъзоси бўлиб ишлади. 1964 йилдан то 1978 йилга қадар у Ўзбекистон КП Марказий Комитети ҳузуридаги партия комиссияси инструктори бўлиб ишлади.

Н. П. Игнатовнинг хизматларини Ватанимиз юқори баҳолади. У Меҳнат Қизил Байроқ ордени, Қизил Юлдуз ордени, бир қанча медаллар ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди.

Шу кунларда республика жамоатчилиги Н. П. Игнатов туғилган куннинг 85 йиллигини нишонлар экан, Туркистонда Совет ҳокимиятини барпо этишда ўз муносиб ҳиссасини қўшган бу ажойиб инсонни ҳурмат ва эҳтиром билан эслайдилар.

Ш. АБДУРАЗЗОҚОВА,
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институтининг катта илмий ходими.

Антон ТАММСААРЕ.

ДЎЗАХДАН ЧИҚҚАН ЯНГИ ШАЙТОН

(РОМАНДАН ПАРЧА)

Эстон адабиётининг классиги, танқидий реализмнинг атоқли вакилларидан бири Антон Таммсааре [1878—1904] ўзининг ҳикоя ва қиссалари ҳамда қатор романлари билан жаҳонга танилган. Унинг беш романдан иборат «Ҳақиқат ва адолат» номли эпопеяси айниқса шуҳрат қозонган.

«Дўзахдан чиққан Янги Шайтон» Антон Таммсааренинг сўнгги романи бўлиб, у Эстонияда буржуа диктатурасининг охирги йиллари кечаётган бир даврда ёзилган. Романдаги воқеалар Шайтон ҳамда Анёр Антс номли бой образлари орқали ифодаланади.

Роман Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида ўзбек тилида чоп этилмоқда. Қуйида шу романдан парчалар ўқийсиз.

Кейинги пайтларда уйнга бориб келиш учун Юрканинг асло қўли тегмади. Фақат қай кундир йўл-йўлакай, унда ҳам хотини ва болаларини кўриш учун бирроз кирди-ю чиқди. У одамлар орасида гапсўз бўлиб кетган лаънати ташвишлари бир ёқлик бўлгач, уйда мундоқ одамга ўхшаб ором олсам керак, деб умид қилганди. Лекин бунинг акси бўлиб чиқди.

—Менга қара, чол,— деди Юла унга сирли оҳангда, — шўримиз қурийдиганга ўхшайди: эгизакларимиздан шох ўсиб чиқаяпти!

Юрка бўлса шундай савол берилишини билгандек, гўё бу янгилик унга олдиндан маълумдек хотиржам деди:

—Бемаъни гапларингни қўйсанг-чи...

—Ўлай агар, рост, — қуйманиб давом этди Юла, — ҳалитдан дўппайиб-дўппайиб билиниб қопти.

— Балки бошқа бирон нуқсондир?

— Қанақасига бошқа нуқсон бўлсин — шохнинг ўзгинаси. Шўрлик болаларим қичишаяпти, дейишгани дейишган..

— Нима қипти? Осмон узилиб ерга тушибдими? Ҳечқиси йўқ: икковиниям чўнтагида ишончли ҳужжатлари бор... Шох билан ҳам яшайверишади.

Бироқ бошига тушган бу қўргулик Юлани кундан кун ташвишга солиб борган сари тинчи йўқолаверди. Охири эгизакларига доялик қилган ҳамшира олдига жўнади. Лекин у ҳеч қандай маслаҳат беролмади. Кейин ёғоч оёқда юргувчи, бир кўзи умуман кўрмайдиган, иккинчиси ҳам шабқўр кандайдир доктор ёрдамчисига учрашди.

Ёрдамчи доктор эса ҳеч бўлмаганда болалардан бирини ўз кўзи билан кўрмасдан, ўсиб чиқаётган ўша шохларни албатта ўз қўллари билан ушлаб кўрмасдан туриб ҳеч нарса деёлмаслигини айтди. Эгизаклардан бирини текшириб бўлгач эса иккинчисини ҳам кўришим керак, деб туриб олди. Бўлмаса, аниқ бир гап айтиш қийин эмиш. Юла текширилган боласини уйда қолдириб, иккинчисини етаклади-да, тағин доктор ёрдамчиси ҳузурига равона бўлди. Доктор ёрдамчиси эса боланинг бошини синчиклаб қараб чиққач, шундай хулосага келди: бу ерда коникарли бирон гап айтиш учун ҳар иккала болани ҳам бир пайтнинг ўзида текшириб кўриш керакка ўхшайди. Шохларни бир-бирига солиштириб кўрмоқ лозим. Чунки қиёсланиб ўрганилган натижалардан топилган хулосаларгина тўғри бўлади. Юла шундан сўнг эгизакларининг икковиниям етаклаб келди ва ҳар қайси боласида иккитаден ўсиб чиқаётган тўртта шохни бир вактнинг ўзида кўрсатди. Эгизакларни диққат билан қараб чиққан ёрдамчи доктор болаларнинг ёшини сўради. Кейин эса Юланинг бошқа болалари йўқ-борлигини, бўлса, улар ўғилми ё қизми, ёшлари билан қизикди. Ана шундан кейингина деди:

— Шохлар масаласи ҳозирча муаммо бир гап. Кейинги болаларинг ва бундан сўнг туғиладиган болаларинг ҳам манови эгизаклар ёшига етгунларича сабр қилмоқ даркор. Ушандагина бирор дуруст хулосага келиш мумкин. Балки кейинги болаларингда умуман шох ўсиб чиқмас. Агар шундай бўлса, демак, унда эгизакларингдаги бу нуқсон шох эмас, балки аномалия, яъни ғайри табиий ривожланишнинг бир кўриниши бўлади. Бундай ҳол эса тўнғич болаларда, кўпинча тўнғич эгизакларда тез-тез учрайди.

— Буни қандай олдини олиш керак бўлмаса? — сўради Юла.

—Бир нарса дейиш қийин. Сўнгги пайтларда умид қилгулик йўли топилгандай бўлиб турибди. У ҳам бўлса тўнғич бола бўлишидан сақланиш.

— Буни қандай тушуниш керак? Унда бола каёққа ғойиб бўлади?

— Унисини билмайман. Доя ёки доктордан сўраш керак. Шохлар масаласида ҳам доктор-ларга мурожаат қилиш керак эди. У нима қилиш лозим бўлса, ҳаммасини батафсил айтган бўларди.

— Ёки руҳонийга учрашсаммикан?..

— Мумкин. Аввал докторга учрашган маъқул менимча. Руҳонийга энг кейин бораверилар-ку, ахир. Нега десанг, сиҳат-саломатлигимизга ҳеч қандай чора-тадбири кор қилмай қолгандагина сиғинишга, оллога ялиниб-ёлворишга одатланиб қолганмиз...

Юлага бу доно маслаҳат жуда маъқул тушди. Болаларни етаклаб доктор ҳузурига борди. Бу ерда унга омад кулиб боқди: ўзи хаёлига келтирмагани ҳолда бир ўқ билан икки қуённи урди. Чунки доктор бу касбни эгалламасдан бурун гирт художўйларнинг пири бўлган экан. У шунчалик кўп нарсаларнинг фаркига бориб, кўп ўқиб ҳамма нарсага шубҳа билан қарайдиган бўлиб қолибди ва кейинроқ ўзини мана шу табобат соҳасига урибди. Бироқ худо каромати билан қалбига сочилган уруғ барибир ҳосил бермасдан қолармиди, дейсиз. Табобатда ҳам иккилана бошлаган доктор, яна табобат ва умуман бошқа илмий фанлардан ҳам — тўқиштугалроқ кўринган илоҳиётдан нажот излай бошлади. Чунки илоҳиётнинг инсонларга бераднган малҳами фақат гапдан иборат ва унинг мавжудлиги ҳам фақат эътиқод билан боғлиқ, холос.

Бу айни пайтда қалб риёзати, ўзига хос мусиқаси бўлиб, у иботниям, тушунтиришниям талаб қилмайди. Шунингдек, у ўзини тугал интиҳосига эга. Ана шу боисдан ҳам доктор табиий фанларнинг фақат тушунтириш ва исботлаш билан ораолиғини уларнинг ожизлиги деб билади. Инсон ақлу идроки — заиф, унинг ўзи эса — ўлимга маҳкум. Шу боисдан унда исботлаш ва тушунтириш учун ё далиллар етишмайди ёки буни уддалаш учун унга берилган умр камлик қилади.

Докторни кейинги пайтларда айниқса ривожланиш таълимоти қизиқтириб қолганди. Лекин тез орада шунчалик қарама-қарши қарашларни, тушинтириб бериш мушкул бўлган муаммоларни кўриб, бу соҳадан ҳам ҳафсаласи пир бўлди. Оқибатда у илоҳиёт сир-асрорларидан бохабарлиги туфайли шундай хулосага келди. Унинг наздида масалага тўғри ёндошилмаган: бўлмаса, одам маймундан пайдо бўлган, дейилмаган бўларди. Маймундан одамлашиб эмас, аксинча, одамдан маймунга қараб ривожланилган. Худо инсонни ўз қиёфасида, ўз шаклу шамойилида, яъни рисоладагидек ато этган — бу ҳақиқатни асло инкор этиб бўлмайди. Бироқ инсон қалби яратган ўз тангрисининг қиёфасини йўқотгани каби, ўлимга маҳкум ўша бандасининг зурриётлари ҳам ўз илоҳий шаклу шамойилларидан маҳрум бўлиб, туғиладилар: қайбирлари шохли ёким думли бўлиб дунёга келади. Қайбирлари эса, тошбақа мижоз маҳлуқларга, сув ҳайвонлари ё судралиб юргувчи жондорларга, гул ёки дарахтга айланади.

Докторга ривожланиш борасида ўзининг ана шундай янги таълимотини яратишга киришиб кетган кунларда Юла билан эгизакларнинг кириб келиши айни муддао бўлди. Бунинг устига Юла болаларидан шох ўсиб чиқаётгани учун хавотирда — маслаҳат сўраб келиб турибди. Бу эса доктор қарашларига жонли далилнинг ўзгинаси. Болаларни жиддий текширган доктор, улар ўзи ўйлаганидан ғайри табиий ривожланаётганига қаноат ҳосил қилди. Сўнг кафтларини бир-бирига ишқалаб, қувонганини яширолмай Юлага деди:

Ҳеч қандай қўрқинчли ҳодиса юз бергани йўқ. Ҳаммаси жойида.

— Мабодо чиндаданам шохлар ўсиб чиқаётган бўлас-чи? — қўрқув аралаш сўради Юла.

— Ўсса ўсаверсин. Яна ям яхши.

— Бора-бора бош кийим ҳам кийишолмай қолишса нима киламан?

— Бош кийимсиз юришавереди. Қайтамга ҳозир шу одат бўлиб қолди.

— Одамлар кўрса нима деймишади, ахир?

— Кўришса кўришавермайдими.

— Бунинг устига уларни мактабгаям, черковгаям йўлатишмайди кейин.

— Бунга парво қилма, қадрдон онахон, мактаб унчалик расм ҳам эмас ҳозирда. Черковда эса шох билан ҳам кўяверишади, муҳими, унга аъзолик бадали вақтида тўлаб турилса бўлгани.

— Агар ундай бўлса яхши-я..

— Қайтамга чиндаданам шох ўсиб чиқадиган бўлса болаларинг билан фахрланишинг, хурсанд бўлишинг керак. Чунки Одам Атонинг биринчи ҳақиқий одам бўлганлиги сенга маълум. Болаларинг эса биринчи ҳақиқий шохдор одамлар бўлиб қолади. Тўғри, сенга осон бўлмайди, албатта: тинчинг бузилиб, ташвишларинг ортади — бусиз эса мумкин эмас.

— Бу қандай қўргулик бўлди менга? Тагин қандайдир ташвиш ва нотинчликлар, фахр ва бахт, деяпсиз? — сабрсизлик билан тушунолмай сўради Юла. — Муҳтарам доктор, ҳаммасини аниқ билишим керак, ахир...

— Буни тушунтириш мушкул, онагинам.

— Йўқ, йўқ, илтимос, тушунтиришга ўринг кўринг. Нима бўлгандаям мен билишни истаймен.

— Гап бундоқ бўлмаса: инсон қанчалик кўп нарсага эга бўлса, ўзини шунчалик бахтиёр деб билади, тўғрими? Ана кўрдингми...Хўш, шундай бўладиган бўлса, олайлик, ҳар бир эркакнинг бирваракайига ўнтадан хотини, ҳар бир аёлнинг эса ўнтадан эри бўлса, улар бир эр-хотинлик вақтдагиларидан кўра бахтлироқ бўлармидилар?

— Кўп эрлидан худо асрасин. Биттасидан тўғиб улгура олмаяпман-у..

— Ҳа, баракалла. Ана энди болаларингда ҳақиқатан ҳам табиий шохлар ўсиб чиқди, дейлик. Унда нималар содир бўлишини биласанми? Билмайсан...Менга ишонгину онагинам, уларнинг ҳар бир шохига йўқ деганда ўнтадан хотин-қиз осилиб олади. Чунки, хотин зоти борки, шохдор эрга эга бўлишни хоҳлайди. Аёлларни ҳеч бир нарса эркак бошидаги шохчалик ақлу хушини ўғирлолмайди. Ҳали мени айтди, дерсан: ўғлонларингни ҳар битта шохининг ўзи учун ҳам аёллар уёқдан бу ёққа тортқилайвериб улоқ қилиб юборишади.

— Шўрлик болагиналарим, — эгизакларнинг ташвишида куйиб-ёнарди Юла. — Аёллар ҳароб қилиб қўяди, энди!

— Бунинг олдини олиш ҳам мумкин, — деди доктор.

— Қандайига? — қичқириб, юборди Юла. У ҳозирги ҳолатида чўқаётган одамнинг ҳасса ёпишишини эслатарди.

— Гап шундаки, болаларда шох бўлмайди.

— Қанақасига бўлмасин, улар ҳалитданоқ дўппайиб қолган бўлса!

— Барибир. Шохларнинг бор-йўқлиги масаласи ҳали муаммо.

— Қанақасига муаммо бўлсин, муҳтарам доктор?

— Нима деб тушунтирсам экан...Хўш, фараз қилайлик: ҳар қандай жонзотнинг ўз жони бор, ҳамда...

— Масалан, бизлардай умрибоқий демоқчисиз?

— Бу саволни шу ҳолича қолдириб турамиз. Фақат боя айтаётганимиздек, ҳар бир жонзотнинг ўз жони ва ҳар бир жоннинг ўз хусусиятлари бор: йиртқичда — тиш, бургутда — тирноқ, қўйда — шох. Демак, бундан шундай хулосага келишимиз мумкин: шох — қўйнинг жонини ўзида акс эттиради, тўғрими?

(Давоми бор)

ТОС ИШЛАРАВКАЛАР БЮРОСИ

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

С. ЭГАМОВ: Улуғ Ватан урушининг иккинчи группа ногиронлари кечаси ишлашга ҳақлимилар. Агар ҳақли бўлсалар уларнинг қандай ишларни бажаришларига рухсат этилади?

Жавоб: Одатда врачлик-меҳнат экспертиза комиссиясининг ногиронлик группасини белгилаш ҳақида чиқарган хулосасига шу ногиронлиги бажаришга қодир эканлиги ёзиб қўйилади. Бинобарин, ана шу тавсиянома кечаси бажариладиган лавозимда ишлашга рухсат берилган бўлса, Сиз кечаси ишлашга ҳақлисиз. Агар бу нарса тавсиянома да кўрсатилмаган бўлса ишлашга ҳақли эмассиз.

* * *

А. ХОЛДАРОВ: «Офицерлар» фильмини томоша қилган эдим. Фильм қаҳрамонларидан бири — Ваня Трофимов Суворовчилар билим юртида ўқирди. Айтишларича Тошкентда ҳам шунга ўхшаш билим юрти борми?

Жавоб: Тошкентда бундай билим юрти мавжуд эмас. Аммо офицер бўлиш ниятида бўлган ёшлар В. И. Ленин номли Тошкент олий умумқўшин командирлари билим юртига кириб, ҳарбий санъат сирларини ўрганишлари мумкин. Бу билим юртига ҳарбий хизмат ёшига тўлган йигитлар махсус медицина кўригидан ўтгандан сўнг қабул қилинадилар.

* * *

Ф. СИРОЖИДДИНОВ: Мен курашнинг дзюдо турига жуда қизиқаман. Мумкин бўлса қаерда шундай спорт секцияси борлиги, унга неча ёшдан қабул қилиниши ва у ерга қайси транспорт билан бориш мумкинлиги ҳақида маълумот берсангиз.

Жавоб: Курашнинг дзюдо тури сирларини «Меҳнат резерваси» кўнгилли спорт жамиятида ишлаб турган дзюдо секциясида ўрганишингиз мумкин. Секцияга сакниз ва ундан зиёд ёшда бўлганлар қабул қилинадилар. Жамият Волгоград кўчасидаги 81-уйда жойлашган. Бу ерга метро орқали борялади. Жамият директорининг телефони 77-06-47.

* * *

Н. ҚИЛИЧЕВ: Хоккей дастлаб қаерда пайдо бўлган? Баъзилар Англияда пайдо бўлган деса, баъзилар Канадада дейилади. Шунга аниқлик киритиб берсангиз.

Жавоб: Хоккей дастлаб Англияда пайдо бўлган. Аммо иқлим тўғри келмаганлиги учун кейинчалик бу мамлакатда хоккей билан шуғулланиш қўйилган. Канадада бу спорт турининг ривожланишига англиялик офицерлар сабаб бўлишган. Улар ташкил қилган дастлабки ўйинлар маҳаллий аҳолига маъқул бўлиб қолган. Хоккей шу ерда аста такомиллашиб, ҳозирги кўринишига келган.

* * *

Г. АЗИМОВА: Спортнинг қиличбозлик тури билан шуғулланиш ниятим бор. Шаҳримизда шундай секция ёки тўгарак борми? Бор бўлса қаерда жойлашганлиги ва қабул шартлари ҳақида маълумот берсангиз.

Жавоб: «Буревестник» кўнгилли спорт жамияти Тошкент область Совети ҳузурида ёшлар ва ўсмирлар мактаби мавжуд. Мактабда қиличбозлик секцияси ҳам ишлаб турибди. Секцияга врачлар рухсатномасига эга бўлган ёшлар келиб, машқларда қатнашишлари мумкин. Мактаб «Марказ-5» кварталида, «Қозоғистон» кинотеатрининг ёнида жойлашган. Бу ерга Хрушчев кўчаси ёки Олой бозори томонидан ҳам ўтса бўлади. Шунингдек, Сиз 38-35-81 телефонга қўнгироқ қилиб, ўзингизни қизиқтирган масала бўйича батафсил маълумот олишингиз мумкин.

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

ШИФОКОРЛАР КОНКУРСИ

Куни-кеча С. Раҳимов районидаги 33-поликлиникада участка врачларининг конкурси бўлиб ўтди. Бир группа ёш терапевтлар медицина соҳасидаги билимларини, бадиий ҳаваскорлик соҳасидаги истеъдодларини, пазандачиликдаги маҳоратларини намойиш этишди.

Конкурсда Шаҳзода Турсуметова биринчи ўринни эгаллаб, район соғлиқни сақлаш бўлими ҳамда касаба союзлари район комитетининг фахрий ёрлиғи ва қимматбаҳо совғаси билан тақдирланди.

СУРАТДА: СССР соғлиқни сақлаш аълочиси поликлиника бош врачи Шоҳида Аъзамова конкурс голиби Шаҳзода Турсуметовани табриклямоқда.

Х. ШОДИЕВ.
Автор фотоси.

ГАЗЕТХОН ИЛТИМОСИ

БАРДАМ БЎЛАЙ ДЕСАНГИЗ

Ҳурматли редакция! Баъзан одам дармонсизланиб қолади. Чарчаш билан дармонсизланишнинг фарқи борми? Бардам бўлиш учун нималарга эътибор бериш керак?

С. Қўчқоров, ишчи.

Маълумки, эрталабдан кечгача меҳнат қиламмиз. Ҳар хил юмушлар билан шуғулланамиз, дўст-биродарлар билан ҳамсуҳбат бўламиз, кечқурун толиқиб, уйқуга ётамиз, дам олгач, эртасига яна бардам бўлиб ишга отланамиз. Ана шу ҳолатни чарчаш деса бўлади. Одатда чарчоқни яхши дам олиш, мириқиб-тиниқиб ухлаш билан бартараф қилса бўлади.

Хўш, дармонсизлик, толиқиш қандай пайдо бўлади? Дармонсизлик ҳам хасталик аломати бўлиб, бунда одамнинг маълум бир аъзосида ёки қонида етишмовчилик сезилади. Дармонсизликни асосан вақтида овқатланмаслик, иш режимига риоя қилмаслик, яхши дам олмаслик, асабийлашиш, каби омиллар келтириб чиқаради. Шунинг учун, биринчи навбатда сифатли овқатланишга, яхши дам олишга, асабни бузмасликка аҳамият бериш керак.

Организм сарфини қоплаш учун зарур бўлган озиқ моддалар — оқсиллар, ёғлар, углеводлар, минерал тузлар ва витаминлар овқатда маълум нисбатда бўлиши зарур.

Инсон саломатлигида бошқа моддалар қаторида витаминларнинг аҳамияти ғоятда катта. Улар организмдаги энергия ҳамда ҳужайра ва тўқималар таркибига кирадиган кимёвий моддалар сарфланиб туради. Ана шу сарфланган моддалар ўрнини овқат ейиш натижасида пайдо бўладиган озиқ моддалар қоплайди. Ейилган овқат органлари функциясига таъсир кўрсатади. Катталар ва болалар саломатлигини сақлашда витаминлар овқат рационида етарли миқдорда бўлиши зарур.

Витаминлар билан саломатлиги бирбирига боғлиқлиги ҳаққида гапирилар экан, кексаларнинг саломатлиги ва меҳнат қобилияти тўғрисида ҳам фикр юритамиз.

Кексаларнинг витаминга бой рационал овқатлари уларнинг сусайиб бораётган иш қобилиятини яхшилади ва организмнинг қаршилик кўрсатиш кучини оширади. Улар, айниқса В, С, Г витаминларига бой бўлган овқатларни ейишлари керак. С витаминни етарли миқдорда истеъмол қилган кексаларда организмнинг қаршилик кўрсатилиши ошади ва уларда ривожланадиган атеросклерознинг олдини олади.

Марказий нерв системаси тонусини нормал сақлаш учун кексаларнинг овқат рационида В витаминни ҳам етарли бўлиши керак. Ёғдаги жуда муҳим ёғ кислоталари, ленол, линолин ҳамда арахидон кислоталари Г витамини деб аталади. Бу витаминни «ёшлик витамини» ҳам дейдилар. Чунки у атеросклерозга қарши курашда муҳим роль ўйнайди.

Одам витаминларни асосан овқатдан олади. Организмда улар деярли запас ҳолда йиғилмайди. Шуни унутмаслик керакки, маҳсулотларни сақлаш ва овқат тайёрлаш процессида улардаги витаминларнинг бир қисми парчаланади. Витаминлар овқат маҳсулотларига нисбатан ундан тайёрланадиган овқатда анча кам бўлади. Таомнинг витаминга бой бўлиши учун янги сабзавот, қўқат ва мевалардан фойдаланиш керак.

Организмнинг барча витаминларга бўлган эҳтиёжини қоплаш учун қайси маҳсулотда қандай витамин кўп бўлишини билиш зарур. А витамини айниқса балиқ ёғи, мол жигари, тухум сариғи, ёғли пишлоқда, сутда етарли миқдорда бўлади. А витамини, провитамин — каротин ҳолида ўсимлик маҳсулотларида учрайди. Каротин сариқ, тўқ сариқ ранглидир. Шунинг учун сабзи, қизил қалампир, помидор, наъматакнинг қизил меваси ва бошқа меваларда ҳамда сабзавотлар ўшандай рангда бўлади.

Оддий таомлардан нон, крупа ва картошка B_1 витаминининг конидир. Пиво ва конвойхона ачитқилари бу витаминга айниқса бой бўлади. B_1 витамини кепасиз унда ҳам бўлади. Шунинг учун оқ нонда оқ ундан пиширилган кондитер маҳсулотларида бу витамин кам, жавдар ва йирик тортилган бутдой унидан ёпилган нонда у анча кўп бўлади. Гречиха, сули, арпа, тариқ ёрмалари, сўк, маккажўхори ва дукакли донлар витаминнинг энг яхши манбаларидир. Гуручда В витамини бўлмайди. Йирик шохли ҳайвонлар жигари ва юрагида бу витамин кўпдир.

Ҳайвонот ва ўсимликларнинг кўп маҳсулотлари РР витаминникотин кислотанинг манбалари ҳисобланади. Саломатлик учун муҳим аҳамиятга эга бўлган С витаминининг асосий манбалари ўсимлик маҳсулотларидир. Витамин С сигир сутига қараганда қимизда йигирма марта кўп бўлади. С витаминнинг манбалари, юқорида айтганимиздек сабзавот ва мевалар, резавор мевалардир.

Витаминлар етишмаса ёки улар таомларда кам бўлса одам гиповитаминоз ва авитаминоз (организмда витаминлар камайиши билан боғлиқ касалликлар), касалликларига дучор бўлади.

Киши бардам ва соғлом юриши учун суткасига уч-тўрт маҳал овқатланиш мақсадга мувофиқдир. Академик И. П. Павловнинг фикрича, овқатни қатъий равишда, маълум вақтларда ейишнинг аҳамияти катта. Нонушта, тушлик ва кечки овқат муддати қишининг одатланишига, одамдан табиати ва шароитига боғлиқ бўлади. Ҳар қандай шароитда ҳам белгиланган вақтда овқатланиш лозим. Ана шунда овқатланиш пайти келганда ҳазм органлари ўз секрециясини кучайтиради, натижада ейилган овқат яхши сингийди. Акс ҳолда меъданинг бир меъёрда ишлаши бузилади, бу эса касалликка олиб келиши мумкин.

Шундай қилиб, озодаликка риоя қилган ҳолда тўғри овқатланиш қишига тетиклик, яхши кайфият ва мустаҳкам саломатлик бағишлайди.

Ш. СОАТОВ,
Ўзбекистон ССР эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-тадқиқот институтининг илмий ходими.

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

ТИШ ГИЖИРЛАТИШ — БЕМОРЛИКМИ?

Ҳурматли редакция! Нима учун баъзи одамлар ухлаганда тишларини гижирлатишади? Бу касаллик аломатими?

Ш. Ҳуррамов,
бинокор.

Болалар ва катта ёшдаги кишилар баъзан тунда тишларини гижирлатишади. Бу медицинада бруксизм деб аталади. Нохуш бу ҳолатнинг асосий сабабларидан бири милк ва жаг тўқималарининг нотўғри тишланиши ёки ноқулай ўрнатилган пломба, каронка, протез тишлар бўлади. Пародонтоз (тишни ўраб турадиган тўқималар ҳасталиги) касаллиги билан оғриган беморлар ҳам тишларини гижирлатишади. Одатда касаллик бошланиш даврида кечкурунлари милк ораси қичишади.

Баъзан бруксизм касбга ҳам боғлиқ бўлади. Масалан, чевар доим тишида ипни узади, ҳатто тўғноғич, игнани ҳам тишида узоқ вақт мобайнида тутиб туради. Бу одат яхши эмас, албатта. Соатсоз бир кўзида лупани қисиб ушлаб туради. демак организмдаги ўша тўқималар доимий ишлайди. Натижада бруксизм пайдо бўлади. Шуни ҳам айтиш керакки, бруксизм ошқозончак касаллигида, эндокринологик ва яна касаллигида ҳам пайдо бўлади.

Эътибор берилса, узоқ хаёлга толган ёки бирор юмуш билан шошган кишилар ҳам тиш гижирлатишади.

Болаларда бруксизм тиш-жаг системасининг ўсишига ҳалақит беради. катталарда эса тишнинг сиртқи қаватти тушиб пародонтоз ёки тишнинг емирилишига олиб келади. Тиш қаттиқ гижирлатилганда, агар тишда пломба бўлса у тушиб кетади.

Хулоса қилиб айтганда, тиш гижирлатишга бепарво қарамаслик керак. Бундай ҳол такрорланаверса, тезда стоматолог врачга учрашиб, касаллик сабабларини аниқлаш ва даволаниш лозим.

Д. АБДУВОСИЛОВА.

БУ ҚИЗИЗ

КИМНИНГ КЎЗИ ЎТКИР?

Аёллар кўзи эркаклар эътибор бермайдиган кўп нарсаларни, айтайлик, ҳозиргина кўришган дугонасининг кўйлак бичими ёки сочи қандай турмак, ранганини хотирасида сақлаб қола олади.

Лекин эркаклар ва аёллар кўришида объектив фарқ ҳам бор. Масалан, аёлларнинг кўз хотираси кучли бўлиб, у кўрган нарсасини узоқ вақтгача унутмайди. Шу билан бирга, аёллар эркакларга нисбатан ёрқин нурга ҳам чидамли, ярим қоронгида ҳам бемалол кўраверади. Улар бу хусусиятларга эволюция давомида эришган бўлсалар ажаб эмас, чунки болаларнинг юриш-туришига асосан аёллар кўзқулоқ бўлишади-да.

Куни кеча пойтахтимиздаги авиасозлар маданият саройида донорларнинг III шаҳар слёти бўлиб ўтди. Унда социалистик мусобақада ғолиб чиққан Ҳамза, Куйбишев, Собир Раҳимов ва Чилонзор районлари Қизил Ярим ой жамиятларига фахрий ёрлиқлар, қимматбаҳо совғалар топширилди.

СУРАТДА: слёт қатнашчиларидан бир группаси Пирогов номли медицина билим юрти студентлари даврасида.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

3 Тошкент бет оқшоми

23 ДЕКАБРЬ 1981 й.

М. Қорнеқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

26 ДЕКАБРЬ СОАТ 19.30да

Бутуниттифоқ профессионал бадиий коллективлар кўриги—конкурси ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС «ШОДЛИК» АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
ГУЛОМЖОН ЕҚУБОВ
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати
ДИЛБАР ФАЕЗОВА
Тошкент область Ленин комсомоли мукофотининг лауреати
Нарзиддин ШЕРМАТОВ
Солистлар: Бахтнёр Холҳўжаев, Анвар Рустамов, Ҳотам Ҳожиев, Райҳон Абдуллаева ва бошқалар.
ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.
Программани — Ўткир Сиддиқов олиб боради.
«ШОДЛИК» ансамблининг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери—Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Қодир Мўминов.

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ВА ЙЎЛЛАРИ ИНСТИТУТИНИНГ
ОЛИЙ МАТЕМАТИКА КАФЕДРАСИ
Тошкент шаҳар ва Тошкент область юқори синф ўқувчилари учун
СССРНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН АНЪАНАВИЙ
VIII МАТЕМАТИКА ОЛИМПИАДАСИНИ
ЎТКАЗАДИ

Биринчи тур 8 январь соат 10.00 да ўтади.

Биринчи тур ғолиблари 11 январь соат 10.00 да 304, 305-аудиторияда ўтказиладиган иккинчи турга қўйиладилар.

Математика олимпиадаси ғолиблари дипломи, ёрлиқлар ва пуллик совғалар билан мукофотланадилар.

Олимпиадада қатнашишни хоҳловчилар қуйидаги адресда рўйхатдан ўтишларини сўраймиз. Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 20-уй, Тошкент автомобиль транспорти ва йўллари институтининг янги биноси, 304, 305-аудиторияларга.

«Электромонтаж» ихтисослаштирилган трести базасида

ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН КЎЧМА МЕХАНИЗАЦИЯ КОЛОННАСИГА

электромонтажчилар, автомашина ҳайдовчилари

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона — аҳолини ишга жойлаштириш марказий пункти.

129-ҳунар-техника билим юрти томонидан **Ваққосов Абдукарим Муҳаммедович** номига берилган 959 номерли йўқолган

ДИПЛОМ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги базасидаги
161-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА
ҚУШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

конфетчилар, кондитерлар, нонвойлар, холодильникни созловчи механиклар, нон ва пиво заводлари учун созловчи слесарлар.

Ўқиш муддати ўрта маълумотлилар учун — 1 йил; 8 йиллик маълумотлилар учун — 2 йил.

8 синф маълумоти бўлганларга уч маҳал бепул овқат, кийим-бош ва иш кийими берилади.

Билим юртини имтиёзли диплом билан битирганлар ўрта махсус ўқув юртларига юборилади.

Узоқдан келганларга замонавий жиҳозланган ётоқхона берилади.

Билим юрти қошида миллий ансамбль, ҳаваскорлик тўгараклари, спорт секциялари ва кечки мактаблар бор. Билим юртини битирганларга танланган мутахассисликлари бўйича 3 — 4 разряд берилади, ҳамда улар республикамизнинг озиқ-овқат корхоналарида ишлайдилар.

Совет Армияси хизматидан қайтиб келганлар қуйидаги касблар бўйича 6 ойлик курсларга ўқишга қабул қилинадилар: холодильникни созловчи механиклар, нон ва пиво заводлари учун созловчи механиклар (слесарлар).

Ўқувчиларга 30 сўм стипендия берилади.

Машғулотлар группалар комплектлангандан кейин бошланади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: билим юрти директори номига ариза, паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги ҳужжат, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, характеристика, турар жойидан справка, медицина справкаси (286-форма), 6 дона фотосурат (3 X 4 см.).

Билим юртининг адреси: Тошкент шаҳар, Куйбишев райони, Гёте кўчаси, 52-уй: 16 «Вокзал—ТТЗ», 89 «Қорасув—1—Олой бозори» маршрутидаги автобусларнинг «Касб касалликлари институти» бекати).

ГУМ—ЯНГИ ЙИЛ БАЙРАМИГА

Йил тугаб бормоқда. Қувончли ташвишлар — ЯНГИ ЙИЛ байрами савдоси бошланмоқда.

БОШ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИ
Тошкент меҳмонлари ва аҳолисига ранг-баранг байрам молларини

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Сиз бу ердан эркаклар учун қуйидаги кийимларни харид қилишингиз мумкин: кўйлаклар, свитерлар, жемперлар, пуловерлар, жакетлар, шимлар, камзуллар, костюмлар, пальтолар, курткалар, плашчлар.

Ҳотин-қизлар кийим-кечакларининг ассортименти айниқса кенг: трикотин, кримплен, шойидан тикилган ва тантанали кунларда кийиладиган кўйлаклар, оддий кўйлаклар, трикотаж буюмлар, плашчлар, курткалар, пальтолар шулар жумласидандир.

Бош универсал магазининг барча тўрт қаватидан туғишганларингиз, дўстларингиз учун муносиб ЯНГИ ЙИЛ совғаларини харид қилишингиз мумкин. Пластмасса, ёғоч, металлдан ишланган совға буюмлари, парфюмерия, косметика буюмлари ҳам сотувга қўйилган.

БОШ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИН БАЙРАМОЛДИ КУНЛАРИДА ҚУЙИДАГИЧА ИШЛАЙДИ:

30 ДЕКАБРДА — соат 23.00 гача.
31 ДЕКАБРДА — соат 22.00 гача.

1982 ЙИЛНИНГ 2 ЯНВАРИДАН БОШЛАБ ОДДИЙ ТАРТИБДА.

БОШ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИ.
«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА— 23/XII да **Келинлар нўзголони,** 24/XII да **ҚУРИҚ** (15.00) **Абу Али ибн Сино** (19.30).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 26/XII да **Ешликда берган кўнгил** (15.00), **Кулги кечаси** (19.30).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 23/XII да **Сокин тонглар,** 24/XII да **Отасининг қизи.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **СОВЕТ ЦИРК УСТАЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ.**

КИНО

23 ДЕКАБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«КОМСОМОЛ» — **Қозоғистон.**

«ВИЗНИНГ ҚУРИЛИШ» — **Восток.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«КЎЗИНГГА ҚАРА» — **Чайка** (жуфт соатларда), телефон: 77-06-20.

«УЛАР АКТЕР ЭДИЛАР» — **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда).

«ХАЙРЛАШУВ МАЗУРКАСИ» — **Қозоғистон** (18, 21.00).

«ОТИШ ҲУҚУҚИ» — **Искра** (18, 20.00), **Ғ. Ғулом номли** (17. 20.00).

«КОМЕНДАНТЛИК СОАТИ» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда).

24 ДЕКАБРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«КЎЗИНГГА ҚАРА» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20).

«УЛАР АКТЕР ЭДИЛАР» — **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 66-15-75), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда), телефон 78-47-25).

«ХАЙРЛАШУВ МАЗУРКАСИ» — **Қозоғистон** (12, 15, 18, 21.00, телефон 35-24-92).

«ОТИШ ҲУҚУҚИ» — **Искра** (16, 18, 20.00, телефон 39-14-52).

«ГАПЛАШИБ ОЛАЙЛИК, АКА» — **Лисунов номли** (11, 14, 17, 20.00, телефон 96-34-02).

ҚАНДАЙ ИДИШ КЕРАК БЎЛАДИ?

Шўрва, сабзавот, макарон пишириш, мураббо тайёрлаш учун ҳажми 4—5 литрли кастрюлькалар керак бўлади.

Бўтқа, мол ва парранда гўштидан таом пишириш учун эса ҳажми бир оз кичикроқ — 2 — 3 литрли кастрюлькалар даркор.

Бундан ташқари сут, компот, кисель қайнатиш учун ҳажми 1,5 — 2 литрли алоҳида кастрюлькалар ва тухум оқи, крем, учун ҳам ана шундай ҳажмли битта кастрюлька керак бўлади.

ЭНГ ЯХШИ ИДИШ — ЭМАЛЬ ҚОПЛАНГАНИДИР.

Улардаги тухум, қоракуя, ёғ доғлари осон ювилади, тоза туради.

Ҳар қандай органик кислота ва тузларга бардошлидир:

Бундай кастрюлькаларда овқат пиширишдан ташқари, карам, помидор, бодринг тузлаш, уларни узоқ вақт сақлаб қўйиш мумкин.

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ БЕКОБОД МЕТАЛЛУРГИЯ ЗАВОДИ

турли ҳажмдаги эмалланган идишларни: 1,5 4, 5,5, 7 литрли кастрюлькаларни; 1, 2, 3, 4,5 литрли товоқларни; 1,5 литрли чўмичларни; 12 литрли пақирларни;1,5, 7 литрли тоғорача ва лаганларни, 20 литрли бак-кастрюлькаларни

ИШЛАБ ЧИҚАРМОҚДА.

Ўзбекистон металлургия комбинатида ишлаб чиқарилган эмалланган идишларни шаҳар хўжалик моллари магазинларидан сотиб олиш мумкин.

АДРЕСЛАРИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:

1 — Полторацкий кўчаси, 1-уй.
2/2—Первомайск бозори.
7 — Госпиталь бозори.
8 — Черданцев кўчаси, 22-уй.
9 — Строительная кўчаси, 1-уй.
13 — Чоштепа кўчаси.
23 — Волгоград кўчаси, 14-уй.
24 — II-Шимоли-Шарқ турар-жой массиви.
25/6 — Навоий кўчаси, шаҳар ярмаркаси.
29 — Бешоғоч бозори.



«ТАШХОЗТОРГ».

АРЧА УЧУН БЕЗАКЛАР



ЯНГИ ЙИЛ яқинлашмоқда. Анъаналари билан асрлар қаърига бориб тақаладиган бу байрам ҳозир ҳам бажонидил нишонланади. Бу байрам Қорбобо ва Қорқиз: улар олиб келган ва Янги йил кечаси арча тагига яшириб қўйилган совғалар, ўрмон гўзалининг ўзи билан ҳам жозибалидир.

ҲУРМАТЛИ ОТА-ОНАЛАР! Арча безаклари: ранго-ранг ялтираб турувчи шарлар, маржонлар, фольгадан ясалган ип ва фонарчалар, картон ўйинчоқлар, ранг-баранг қоғоз лента-лар, гирляндлар, арча ёмғири ва шу каби безакларни

«БОЛАЛАР ДУНЕСИ» магазинидан (Октябрь бозори) **ва унинг филиалларидан сотиб олишингиз мумкин.**

Уларнинг адреслари эслатамиз:

1, 2-филиаллар — Биринчи Май кўчаси, «Марказ-1» кварталы, 4-уй (1 «э», 10 «э», 65 «э», 64 «э», 72 «э»-автобуслар; 4, 18-троллейбуслар, 2, 3, 23, 27, 28-трамвайларнинг «Болалар дунёси» бекати, метронинг «Октябрь инқиболи» станцияси);

3—«ҒУНЧА» — Луначарский шоссеси, 77-уй, М. Горький номли майдон (1, 1«э», 24 «э», 69, 71-автобуслар, 4, 5, 17, 18-троллейбуслар, 13, 22-трамвайларнинг «Светлана» бекати, метронинг «Горький номли майдон» станцияси);

4 — Фарҳод ярмаркаси.

«БОЛАЛАР ДУНЕСИ» МАГАЗИНИ.

ҚАНДАЙ ФОТОАППАРАТ МАНЗУР БЎЛАДИ?

Эндигина суратга олишга киришган фотоҳаваскор олдида беихтиёр ана шундай савол пайдо бўлиб қолади? «СИЛУЭТ»? «ЭТЮД»? «ОРИОН»? балки «СМЕНА» манзур бўладими?

«СМЕНА — СИМВОЛ» фотоаппарати эндигина суратга олишни бошлаган фотоҳаваскорнинг дидига ҳам монанд келади. Унинг энг муҳим афзалликлари шундан иборатки, бу фотоаппаратда суратга олинаётган жойгача бўлган масофа ва об-ҳавонинг равшан ва равшан эмаслигини мослаштирадиган махсус соддалаштирилган система қўлланилган.

«СМЕНА—СИМВОЛ» фотоаппаратида равшан бўлиб турадиган уч линзали объективи, айни пайтда пленкани суриб турадиган затвори бор. Буларнинг ҳаммаси фотоаппаратга муомала қилишда жуда ҳам оддий ва ишлатишда ишончлидир.

«ВИЛИЯ-АВТО» фотоаппарати энг арзон автоматик камерадир. Унда сурат олинаётганда видержка ва диафрагма тўғри созланганлигини билишдек мураккаб масалани ҳал қилиб ўтирилмайди. Бунинг учун автоматик мосламага пленканинг сезувчанлиги тўғрисидаги маълумотларни, суратга олинаётган объектгача бўлган керакли масофани белгилаш ва тугмачани босишнинг ўзи кифоя. Автоматик мослама негативларнинг аъло сифатли бўлишини таъминлайди.

Автоматик тарзда суратга оладиган фотокамералар оиласига «ОРИОН-ЕЕ» аппарати ҳам киради. «ОРИОН» рангли ва оқ-қора тасвирли пленкаларда (негативнинг тасвир размери 24x36 мм.) ҳам суратга олаверади. Суратга олиш пайтида импульсли лампа — вспишкалардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Объективининг тиниқлиги ўткирлаштирилган «ТРИПЛЕТ 69-3» фотоаппарати равшанлиги жуда ҳам тиниқ — 80 см. масофадан туриб ҳам суратни тиниқ олаверади.

«СИЛУЭТ—ЭЛЕКТРО» — электрон затворли ҳаваскорлик фотоаппаратидир, унга ўрнатилган электронли блок белгиланган диафрагмада видержкани автоматик қайта ишлашини таъминлайди. Видержкасининг катта диапазони кучсиз ёритилган шароитларда ҳам суратга олиш имконини бераверади. Бу аппаратнинг яна бир бебаҳо фазилати: аппаратнинг визирида ёрғликнинг меъёри тўғрисида хабар берадиган сигнализация воситаси ўрнатилган...

Кўзгули **«ЗЕНИТ—ТТЛ»** фотоаппарати бирмунча тажриба тўплаган фотоҳаваскорлар учун мўлжалланган. Бу аппаратни репродукцияли ишларни тайёрлашда, майда буюмларни суратга олишда (узайтиргич халқалар ёрдамида), озгина масофадан туриб йирик планда, шунингдек, микроскоп воситаси билан суратга олишда ишлатилаверади.



Аппаратда визир майдонида стрелкали индикацияли тўла автоматик мослама, суратга олинадиган жойни узлуксиз кўриб туриш учун кўзгу ўрнатилган. Бу аппаратнинг яна бир ўзига хос устунлиги сакровчи диафрагмали объективи, фотопленкани зарядловчи соддалашган система, экспозицияни тез аниқлагич воситачалари ўрнатилган.

САВДО ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ■ ДИҚҚАТИГА!

«УЗКУЛЬТТОРГ»нинг республика базасида ушбу фотоаппаратлардан етарли миқдорда бор: «СМЕНА—СИМВОЛ», «ВИЛИЯ—АВТО», «ВИЛИЯ», «СИЛУЭТ—ЭЛЕКТРО», «ОРИОН—ЕЕ», «ЗЕНИТ—ТТЛ».

«УЗКУЛЬТТОРГ».

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги.

ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

ЧОРШАНБА — 23 ДЕКАБРЬ

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.05 «Алкоголизм. Врач суҳбатлари». 18.35 «Эстония» Давлат академик опера ва балет театри. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Қиш манзараси». 19.35 «Жойида ҳал бўлади». 1-кўрсатув. «Шаҳарлар одамлар учун ўсмоқда». Курск область партия ташкилотининг меҳнаткашлар хатлари ва таклифлари билан ишлаш тажрибасидан. КПСС Марказий Комитети хатлар бўлимининг мудири, КПСС Ревизия комиссиясининг аъзоси. Б. П. Яковлевнинг кириш сўзи билан бошланади. Кўрсатувда КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Курск область комитетининг биринчи секретари А. Ф. Гудков иштирок этади. 20.25 «Комила». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. («Ўзбекфильм»). 21.30 «Время». 22.35 Ёзувчи туғилган кунининг 80 йиллигига. «Александр Фадеев». 23.15 «Дунё воқеалари». 23.30 «Ҳужжатли экран».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

19.30 «Хатларингиз асосида». «Музикали программа. 20.15 «Қишлоқ янгиликлари». 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.30 «Время». 22.05 «Синдикат—2». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Болалар учун фильмлар. «Бу иш осон эмас», «Асфальт йўлдаги қадамчалар». 18.30 «Доре-ми-фа-соль». Мактаб ўқувчилари учун музикали ўқув кўрсатуви. 19.00 «Инсон. Коллектив. Ўзаро муносабатлар». (рус). 19.30 «Ахборот». (рус). 19.45 «Ўзбекистон мадҳияси». Ўзбек шоирларининг шеърлари асосида адабий композиция. 20.15 «Мангу қараздор». Телефильм. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Ҳаёт мактаби». Л. И. Брежневнинг «Эсдаликлар» китоби ҳақида. 21.05 Ўзбекистон ССР балети ёш артистларининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги. 22.20 Ў. Усмонов. «Гирдоб» Видеофильм, 1-қисм. 23.50 Кўрсатувлар программаси.

ПАЙШАНБА — 24 ДЕКАБРЬ

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 «Комила». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 11.10 «Горничилар, қаердасиз!» 11.40 «Эски маҳаллалар тонги». Телевизион ҳужжатли фильм. 11.55 Кировоград болалар музикали коллективларининг концерти. 12.50 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Сен ва бошқалар». Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ҳақида телевизион ҳужжатли фильм. 15.50 «Бил ва уддала». Ёш техниклар учун кўрсатув. Кўрсатувни Совет Иттифоқи Қаҳрамони СССР космонавт учувчиси В. Д. Зудов олиб боради. 16.35 РСФСРда хизмат кўрсатган артист А. Тугай чалади (арфа). 17.05 «Дарсга йўл». Телевизион фильм премьераси. 17.35 Шахмат мактаби. Бошловчилар учун.

18.05 «Олга, болакайлар!». 18.35 «Миллионлар ленинча университети». «Қишлоқни социал ривожлантириш». Кўрсатувда Ленин комсомоли мукофотининг лауреати, Москва областидаги «Нара» совхозининг директори А. Е. Шчигорец иштирок этади. 19.05 «Келинг, дўстлашайлик». Мультфильм. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Адажио». Фильм-концерт. 19.40 «Жойида ҳал бўлади». 2-кўрсатув. «Булоқлар». 20.25 «Комила». Телевизион бадиий фильм. премьераси. 2-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Нима? Қаерда? Қачон?». Телевизион викторина. 23.10 «Дунё воқеалари». 23.25 «Баронко» камер ансамбли чалади.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Дилли-Далли қуёшли боғда», «Қирол ва қовунлар». Мультфильмлар. 18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қишлоқ ёшлари». 19.00 «СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига —60 зарбдор ҳафта». Тошкент трактор заводидан репортаж. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 А. Фадеев туғилган кунинг 80 йиллигига. «Ижод саҳифалари». 20.30 «Ахборот», 20.50 М. Қориёқубов номли Ўзбек Давлат филармонияси «Гўзал» ансамблининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Турмуш ва маданият». 22.35 Ў. Усмонов. «Гирдоб». Видеофильм. 2-қисм. 24.00 Кўрсатувлар программаси.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ботаника институти коллективи институтнинг ходими

Асқар МИРЗАЖОНОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Гўшт ва сут саноати министрлигининг марказий конструкторлик лойиҳа-технология бюроси коллективи бюронинг кекса ходими, катта инженер, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси

Заки Сулаймоновичнинг ШАЯХМЕДОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

---

4 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41 ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат, — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-63-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги—32-57-83, совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот—33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими —33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

23 ДЕКАБРЬ, 1981 й. Р—07480. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. В—2199. ИНДЕКС 64690